

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ПОДСИГНА

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№ 20 (3444)

2002 йил 16 май, пайшанба

Сотувда эркин нархда



Ўтганлар ёдини эсда сақлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром бажо этиш авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарзлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор. Инсон бор экан, хотира ва тарих мангудир.

Ислон **КАРИМОВ.**



**Умумхалқ байрами –
Хотира ва Қадрлаш кунинда
Наманган вилоятида
“Посбонлар хотираси” мажмуининг
очишлиш маросими бўлди.**

Суратда: ёдгорлик очишлиш маросими иштирокчилари (ўнгдан) “Жасорат” медали соҳиби И. Жамолов, ички ишлар идоралари фахрийси Б. Дмитриев, милиция майори Д. Олтинбоев, мархум милиция ходими Р. Аббосовнинг отаси К. Аббосов.

ПУХТА БИЛИМ – КЕЛАЖАК КАЛИТИ

Фаргона шаҳридаги мархум милиция генерал-майори Фулом Зокиров номидаги республика ҳуқуқий лицейини муваффақиятли тамомлаган ёшлар ИИБ олий таълим муассасаларига кириб ўқиб, етук мутахассис бўлиб етишмоқдалар.



ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш куни республика ички ишлар идораларида ҳам кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБХ ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази томонидан иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари учун тантанали маросим уюштирилди.

ИИБ “Жар” спорт-соғломлаштириш мажмуида ўтказилган байрам тадбирида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов йиғилганларни қизгин табриқлади. Тантана иштирокчиларига эсдалик совғалари топширилди. ИИБ Ички қўшинлари “Осиё юлдузлари” дастаси хонандалари байрам концерти намойиш этишди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жазони ижро этиш Бош бошқармасида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда республика Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров йиғилган фахрийларга мурожаат қилиб, жумладан шундай деди:

– Барчамиз, биринчи галда, ёш ходимлар сизларнинг Ватанимиз равнақиға қўшган улкан ҳиссангизни ёдда тутишимиз керак. Заминимиз тинчлиги йўлида куч-қувватини сарфлаганлар доимо қадрланиши лозим. Биз иккинчи жаҳон уруши жангҳоқларида ҳалок бўлган қаҳрамонларни ҳеч қачон унутмаймиз. Кўпни кўрган оқсоқолларни – ёшларнинг мурабийларини эъозлаш, ота-боболаримизнинг урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш ўзбек халқининг ажойиб хусусиятларидан биридир.

Шундан сўнг республика ИИБ Жазони ижро этиш Бош бошқармаси Фахрийлар кенгашининг раиси, ички хизмат полковниги В. Аванесов, бу тизимда узоқ йиллар фаолият кўрсатган бошқа фахрийлар сўзга чиқишди.

Тадбир якунида санъаткорлар иштирокида концерт намойиш этилди.

О. БУРЕНОВ.

Хотира ва Қадрлаш куни Самарқанд вилоятида дастлаб ИИБга кираверишдаги ёдгорлик пойига гуллар кўйилди. Шундан сўнг барча залга жамулжам бўлгач, вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, ички хизмат полковниги В. Хўжакулов фахрийларни байрам билан кутлаб, уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилади.

Шундан сўнг бир пиёла чой устида иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ўзлари бошларидан кечирган суронли йиллар, қўлга киритилган ғалаба, жангҳоқларда ҳалок бўлган дўстларини ёдга олишди.

Фахрийларга пул мукофотлари берилди.

Д. САЛОҲИДДИНОВА.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари Навоий вилояти ички ишлар бошқармасига таклиф этилдилар. Кексалар даставвал мархум милиция ходими Парда Очилов хотирасини ёд этиб, унинг ёдгорлиги пойига анвойи гуллар кўйишди. Мархум руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилинди.

Шундан сўнг фахрийлар янги барпо этилган спорт-соғломлаштириш мажмуининг ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган тантаналарда иштирок этдилар. Улуғ айём кунинда ушбу спорт мажмуининг очишлиш катта шодиёнага айланди. Кексалар бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

– Спортнинг волейбол, футбол, теннис ва бошқа бир неча турлари билан шуғулланиш учун етарли қулайликларга эга бўлган бу маскан ходимларни жисмонан чиниқтириш ва соғломлаштириш учун хизмат қилиши шубҳасиз, – дейди вилоят ИИБ Фахрийлар кенгашининг раиси, истеъфодаги ички хизмат полковниги С. Мадаминов. – Қолаверса, бу ерда кексаларга кўрсатилган иззат-икром бизни бениҳоя қувонтирди. Қарилари қадрланган юрт завол топмағай...

Байрам тантаналари кечга қадар давом этди.

Н. РАҲИМОВА.

Ehtirom

Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида Ички кўшинлар аскар ва зобитлари ҳам мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатдилар. Тинч қурилиш йилларида мамлакатда осойишталикни сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида хушёрлик ва сезгирлик билан хизмат қилиб, ҳозирда қариллик гаштини сураётган бу инсонларнинг кўпчилиги Хотира ва Қадрлаш куни байрами тантанасига таклиф этилдилар.

ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

Юзларига суронли йиллар, хизмат машаққатлари из солган, чеҳрасидан шукроналик нури ёғилиб турган отахон, онахонлар бирин-кетин йиғилдилар. Бир томонда карнай-сурнай наволари тантанана чорлаяпти, бир томонда оркестр узоқ йиллардан таниш фронт куйларини чалади.

Йиғилганлар мухташам саройдан жой олишди. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички кўшинлари ва Қоровул кўшинларининг фахрийлари иштирокида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан уюштирилган тантанали йиғилиш байрамона кайфият билан бошланди. Ички кўшинлар ва Қоровул кўшинлари фахрийлар Кенгазининг раиси, истеъфодаги полковник Е. Жуковскийнинг маърузаси қизгин кутиб олинди. Маърузачи Ички кўшинлар зобит ва аскарларининг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги жасоратлари

ҳақида батафсил тўхталди. Шунингдек, юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашда, террористик ва диний-экстремистик ҳужумларни бартараф этишда кўрсатган мардликларини санаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички кўшинлар кўмондони генерал-майор Ж. Фозилов фахрийларни, йиғилганларни умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этди.

Тантананада иштирок этаётган кексаларни суҳбатга тортдик.

— Инсон қариганда қадри бўлсин экан, хизматларимизни инobatга олиб, сийлаб, тантанана таклиф этганлари учун раҳмат, — деди иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, истеъфодаги полковник В. Слесаренко. — Ёшларга хизматда муваффақиятлар тилайман.

— Тўрт йил фронтда алоқачи бўлганман, — деди истеъфодаги прапорщик Вера Бунтова. — Кей-

инги хизмат фаолиятим ички кўшинларда ўтди. Ҳаргал байрамларда, тантанали кунларда келиб, сафдошларимни, шогирдларимни кўриб яйраб кетаман. Тинч, осойишта яшашимизни таъминлаётган офицер, аскар ўғилларим омон бўлишсин!

— Мен тиббиёт хизматчисиман, — дейди истеъфодаги тиббиёт хизмати подполковниги Сулаймон Халифаев. — Гарчи Ички кўшинларда кўп ишламаган бўлсам-да, ҳурмат қилиб, байрамларда йўқлаб туришади. Барака топишсин, тан-жонлари дард кўрмасин.

Ким билан суҳбатлашманг шукроналик сўзларини эшитасиз. Қарияларни қадрлаш йилида кўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорчилик изҳор этишади.

Тантана байрам дастурхони атрофида давом этди. Хонандалар фронт йиллари кўшиқларини айтишганда, уруш фахрийлари жўр бўлдилар. Лирик кўшиқлар янграганда эса даврани тўлдириб рақсга тушишди. Байрам шодхуррамлик билан ўтди. Айниса, кексалар кўрсатилган иззат-икромдан мамнун бўлиб, хайрлашдилар.

С. ШАМСИДИНОВ.

**МАРҲУМЛАРНИ ЁД,
ТИРИКЛАРНИ ШОД ЭТАЙЛИК!**



МАНГУ БАРҲАЁТ ЎҒЛОНЛАР

Юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилиб, жиноятчи унсурларга қарши курашда жасорат кўрсатиб мардларча ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг номи қалблардан ўчмайди.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти Ватан, халқ олдидаги Қасамёдига, Президентига содиқ қолиб, жиноятчиларни тутиш, уларни зарарсизлантириш учун ўз жонини фидо этган ўғлонлар шарафига “Посбонлар хотираси” мажмуини бунёд этишга қарор қилганди. Ёдгорлик мажмуи Республика ИИБ ва вилоят ИИБ раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари боис қисқа муддатда бунёд этилди. Ўн икки нафар шаҳид кетган мард ўғлонларнинг исми-шарифлари ёзилган мармар лавҳалар деворларга ўрнатилди. Ўртада миллий либос кийган, қўлида лола ушлаб, мардларча ҳалок бўлган ўғлини эслаб маъносиз ўтирган Она ҳайкали. Унинг сиймосида шаҳид кетган мардларнинг оналари акс этган. “Посбонлар хотираси” мажмуининг бунёд этилгани жасур йигитларнинг покиза руҳини шод этиш



ва таъзим бажо келтиришга қаратилган меҳр-муҳаббат тимсолидир.

Умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кунида ана шу ёдгорликнинг очилиш маросими бўлди. Маросимни вилоят ИИБ бошлиғи, милиция генерал-майори Б. Субанов кичирди. Унинг сўзи билан очиб, мардларча ҳалок бўлган милиция ходимлари ҳақида қисқача гапирди. Вилоят ҳокими Т. Жабборов бу хайрли иш катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида сўзлади. Марҳум милиция ходими Равшан Аббосов-

нинг отаси Қ. Аббосов сўз олиб, ўғлининг жасоратини улуғлаб, хотирлаган ИИБ раҳбарларига миннатдорчилик билдирди.

“Посбонлар хотираси” ёдгорлигининг очилиш маросимига ички ишлар идоралари фахрийлари, жасорат кўрсатган марҳум милиция ходимларининг оила аъзолари таклиф этилдилар. Уларга байрам дастурхони тузалиб, совғалар топширилди.

У. МАМАДАЛИЕВ.

Суратда: “Посбонлар хотираси” ёдгорлиги.

ЁДГОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

Эл-юртга хизмат қилган инсонни халқимиз унутмайди. Айниса, мамлакат тинчлиги, осойишталиги йўлида бутун умрини сарф этган фидойиларнинг номи доимо эъзозда.

Ички хизмат генерал-майори Мурот Шералиев ҳам ана шундай эл ардоқлаган инсонлардан эди. У кўп йиллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлади. Унинг тарбиясидан баҳраманд бўлган шогирдлари бутунги кунда устоз йўлини давом эттиришяпти. М. Шералиев бир неча йил Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасига раҳбарлик қилган.

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят ИИБ раҳбарияти ташаббуси билан М. Шералиев яшаган Қибрай туманидаги Қипчоқ қишлоқ фуқаролар йиғини худуддаги кўча бошида марҳум ички хизмат генерал-майори хотирасига ёдгорлик ўрнатилди.

Вилоят ички ишлар идоралари фахрийлари учун



уюштирилган Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан байрам тантанаси вилоят ИИБ ҳовлисидagi “Мотамсарона” ёдгорлиги пойига туллар қўйишдан бошланди. Кейин йиғилганлар марҳум ички хизмат генерал-майори М. Шералиев яшаган кўчага келишди. Бу ерда М. Шералиев хотирасига бағишланган ёдгорликни очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Ш. Расулов, Қибрай тумани ҳокими С. Тош-

хўжаев, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов сўзга чиқиб М. Шералиевнинг хизмат фаолияти ҳақида гапирдилар.

Тантанали тадбирда М. Шералиевнинг укаси Абдуҳошим Шералиев сўзга чиқиб, оила аъзолари номидан ёдгорлик ўрнатиш ташаббускорларига, қурувчиларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Ш. ДАЛИЕВ.

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

**Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ
олган суратлар.**



АМАЛДАГИ ҒАМХЎРЛИК

Яқинда Фаргона вилояти ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармасида фахрийлар бир пиёла чой устида суҳбатга тўпландилар.



Маросимни вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Х. Ғойибназаров очиб, кексаларга ўзининг самимий тилақларини билдирди. Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, ички хизмат подполковниги М. Жўрабоев фахрийларнинг ёш ходимларни тарбиялаш борасидаги хизматларини алоҳида таъкидлаб, ҳамisha эъзозда бўлишга ҳақли эканликларини айтди. Уларга пул ва эсдалик совғалари топширилди.

— Бизнинг хизматларимизни унутмай, ҳалигача қадрлаётганларини ҳис қилиш кучимизга куч, умримизга умр қўшади, — дейди Фуломжон ота Абдуллаев. — Орамизда ёнгин хавфсизлиги хизматида 20-30 йил меҳнат қилганлар кўп. Бугун бизга кўрсатилаётган ҳурматга жавобан ёш ходимларга ўзимизнинг касб маҳоратимиз, тажрибаларимизни ўргатишга тайёрмиз.

**А. АБДИЕВА,
ички хизмат лейтенанти.**

АРМОН

*Юрак тўла дард-алам, кечалари бўзлайман,
Қайдасиз отажоним, тушларимда излайман.
Суянасак тоғ эдингиз, ўлим сиздан айирди,
Мангуликка кетдингиз, айтмай сўнги хайрни.*

*Догдаман, қиблагоҳим, малҳам йўқдир юракка,
Сизни йўқлаб йиғласам, оҳим етар фалакка.
Абадият қошида умр тушдек гап экан,
Бу ҳаётда яхшилик энг олий матлаб экан.*

*Яхши хислат, эзгу сўз доим сизга хос эди,
Содаллик кўрку зийнат, камтарлик либос эди.
Тириклик чаманидан қайга учди жисмингиз?
Яхшилар қаторида қолди абад исмингиз.*

*Дилда армоним буюк, қани дейман келсангиз,
Онажоним ёнида туриб бир зум кулсангиз.
Олдингизга чопқиллаб чиқсаю неварангиз,
Бир-бирингиз етаклаб юрсангиз иккалангиз.*

*Акаму сингилларим, келину неваралар,
Сизни соғинган барча шогирдлару жўралар.
Хаёлимда шундай ўй, сиз-ла суҳбат қураман,
Сизни излаб мен энди қайларга ҳам бораман?..*

А. БОЗОРОВА.
Самарқанд вилояти,
Қозоқнайман қишлоғи

ҲАМИША ХАЛҚ ХОТИРАСИДА

Андижон вилояти ИИБда Хотира ва Кадрлаш кўни уруш ҳамда тинчлик йилларида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларига ўрнатилган Хотира ёдгорлигига гулчамбарлар қўйиш билан бошланди. Сўнгра фахрийлар икки йил аввал экстремистлар ўқидан ҳалок бўлган милиция полковниги Б. Ҳошимовнинг Хотира музейига ташриф буюриб, унинг ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Тантаналар уйда ўтказилган Хотира ва Кадрлаш кўнига бағишланган байрам тадбирини Андижон вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги М. Шамшитдинов очди. У йиғилганларни ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби номидан табриклаб, республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматовнинг табригини ўқиб эшиттирди.

ИИБ фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказининг раиси, истеъфодаги милиция подполковниги А. Фозиев сўзга чиқиб, фахрийларга ИИБ раҳбарияти кўрсатаётган ёрдам учун миннатдорчилик билдирди. У уруш даври, ундан кейинги йилларда вафот этган ходимларни номма-ном тилга олиб, эслади.

Тантана санъаткорлар ҳамда бадиий ҳаваскорлар ижросидаги концерт билан давом этди. Байрам якунида фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

О. ЙЎЛДОШЕВ,
милиция подполковниги.

ЭЪЗОЗ

– Бахтим шундаки, Хотира ва Кадрлаш кўни муносабати билан Тошкентда Хотира майдонининг очилиш маросимида иштирок этган ҳамюртларим орасида мен ҳам бор эдим. Шу муқаддас кадамжода юртбошимизнинг муборак қўлларини олиб, қисқа бўлса-да суҳбатлашиш, хоразмлик фахрийларнинг орзу-ниятлари, миннатдорчиликларини етказиш шарафига муяссар бўлдим. Бу қувончли онлар ҳаётимда унутилмас саҳифа бўлиб, менга битмас-туганмас қувонч, куч-ғайрат бахш этади, – дейди Ўринбой ота Абдукаримов.

Ўринбой ота ана шундай ҳурмат шохсупасига кўтарилган пиру бадавлат инсондир. У эл-юрт эъзозига ўзининг кўп йиллик машаққатли меҳнати эвазига эришди. Оддий милиционерликдан туман милиция бўлими бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ҳозирда истеъфодаги милиция капитани, вилоят ички ишлар бошқармаси фахрийлар кенгашининг раиси.

ИЗЗАТ-ИКРОМ КЎРСАТИЛДИ

Хотира ва Кадрлаш кўни республика ИИБ Жазони ижро этиш Бош бошқармаси тизимидаги ички хизмат подполковниги Г. Исроилов сардорлик қилаётган бўлинмада ҳам кенг нишонланди. Маросимга иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди.

– Ушбу бўлинмада уюштирилган тантаналарга илгари ҳам келганман, – деди республика ИИБ Жазони ижро этиш Бош бошқармаси фахрийлар кенгашининг раиси, истеъфодаги ички хизмат полковниги В. Аванесов. – Бу жамоада узоқ йиллар меҳнат қилган инсонларга эътиборни кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди.

Маросим чоғида фахрийлар шаънига илиқ сўзлар айтилди, мукофотлар берилди. Мактаб ўқувчилари, болалар боғчалари тарбияланувчилари эса концерт дастури намойиш қилдилар. Театрлаштирилган томоша ҳам барчада катта таассурот қолдирди.

Меҳмонлар орасида уруш фахрийси, ички хизмат подполковниги А. Логишев ҳам бор эди. Унга Жазони ижро этиш Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби томонидан ногиронлар аравачаси совға қилинди. Алексей Николаевич эндиликда ташкил этиладиган барча тадбирларда иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Тарбиянинг энг яхши услуби – шахсий намуна кўрсатишдир. Шу боис ҳам жазони ижро этиш муассасаларида сулоалар етишиб чиқишига катта аҳамият берилаяпти.

– Бўлинмалардан бирида Маҳкам ака Сариков деган инсон ишларди, – деди Вазген Бахшиевич. – У иккинчи

жаҳон уруши иштирокчиси, фронтдан қайтгач, бизнинг соҳада ишлаб босилди. Ўғли Равшан болалигидан ота касбига меҳр қўйди. Бугунги кунда Равшан Сариков ички хизмат полковниги, бўлинмалардан бирига раҳбарлик қилмоқда.

Кексаларнинг ҳурмати жойига қўйиладиган жамоада ана шундай анъаналар давом этаверади.

Жумавой Мелибоевни фарғоналик ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари устоз сифатида ҳурмат қилишади. Бу фидойи инсон бутун умрини ана шу ишга бахшида этганлардан.

У бир неча йил вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармасига раҳбарлик қилди. Яқинда бошқармада уюштирилган маросимда ички хизмат полковниги Жумабой ака Мелибоев тантанали равишда пенсияга кузатилди.

Вилоят ИИБ раҳбарияти номидан сўз олган бошқарма бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Х. Фойибназаров Ж. Мелибоевнинг хизмат фаолияти ҳақида гапириб, кўп йиллар давомидаги самарали меҳнати учун миннатдорчилик билдирди, эсдалик совғалари топширди.

Шу кун маросимга ёнғин хавфсизлиги хизматининг фахрийлари ҳам таклиф этилди. Уларга дастурхон тузалиб, атоқли санъаткорлар ижросида концерт намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз.

КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Фарғона вилояти ИИБ ўқув марказида республика ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмаларининг шахсий таркиб билан ишлаш масалаларига бағишланган икки кунлик ўқув-услубий семинари бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБХХ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги А. Юнусхўжаев кўриқлаш хизмати учун кадрлар тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар, муаммолар тўғрисида тўхталди.

Семинар-йиғилиш давомида кўриқлаш хизматида қўлга киритилаётган ютуқларни янада мустақамлаш, янги имкониятларни ишга солиш ва бошқа масалалар хусусида фикрлашиб олишди, зарур кўрсатмалар берилди.

М. КИМСАНБОЕВ.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ички ишлар идоралари фаолиятида алоқанин аҳамияти нақадар катталигини айтишга ҳоҷат бўлма са керак.

Яқинда ана шу соҳа вакиллари ўзларининг касб кунларини нишонладилар. Кўп йиллардан буён республика ИИБ тизимида хизмат қилаётган бир қатор алоқачилар Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан мукофотландилар. ИИБ Алоқа бўлими бошлиғи, ички хизмат полковниги А. Яковенко, алоқа воситаларини таъмирлаш устaxonаси бошлиғи А. Курбонов ва Андижон вилояти ИИБ алоқа бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги И. Рафиковга “Моҳир алоқачи” тармоқ фахрий унвони берилди.

Республика ИИБ тезкор алоқа тармоғи бошлиғи, милиция майори Ш. Умаровга, Навоий вилояти ИИБ алоқа бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги И. Бортниковга ва бошқа яна бир қанча ходимларга агентликнинг Фахрий ёрликлари топширилди.

Вазирлик тезкор алоқа тармоғи телетайп оператори М. Норпўлатова, шу тармоқ муҳандиси В. Свешникова, алоқа воситаларини таъмирлаш устaxonаси ходимлари К. Рожков ва Г. Решетова “Ўз касбининг устаси” фахрий нишони билан тақдирландилар.

Мукофотланганларни самимий табриклаб, уларга машаққатли хизматларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

МУНОЗАРАГА БОЙ МАШҒУЛОТ

Республика ИИБ ҳузуридаги Кўриқлаш Бирлашмаси аппарати ҳамда милиция подполковниги А. Эгамбердиев сардорлик қиладиган бўлинма шахсий таркиби билан навбатдаги Маърифат дарси ниҳоятда қизиқарли ўтди.

Уни бирлашма бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Ҳ. Раҳматуллаев очди. Машғулот Марказий Осие минтақасида кечаётган мафкуравий жараёнлар мавзусига бағишланди. Мавзу бўйича республика Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси, педагогика фанлари номзоди, доцент А. Акмалов маъруза қилди. Унинг чиқиши ҳаётини мисолларга, мулоҳазаларга бой бўлди, тингловчиларни мушоҳадага чорлади.

Нотиқ таъкидлаганидек, минтақамиз, хусусан, юртимиз табиий ресурсларга бойдир. Шунинг учун азал-азалдан бу ҳудудда ўз мавқеини мустақамлашга, унга таъсирини ўтказишга интилувчилар кўп бўлган. Ана шундай йўллардан бири эса аҳолига ўз мафкурасини сингдиришга уринишдир. Миллий истиқлол ғоясини чуқур эгаллаган, юрагига жо қилган, мустақил фикрига эга бўлган кишигина ёт таъсирларга берилиб кетавермайди. Айниқса, ички ишлар идоралари ходимлари учун бу муҳимдир.

Кўриқлаш Бирлашмаси раҳбарияти бунга яхши англаб, шахсий таркиб билан ўтказиладиган Маърифат дарсларига ижтимоий фанларнинг етук вакилларини таклиф этиб туради. Шу ўринда республика Маънавият ва маърифат маркази билан йўлга қўйилган доимий ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш жоиз. Машғулотлар сўнгида одатда қизгин савол-жавоблар бўлиб ўтади. Тингловчилар ўзаро баҳслашишади, маърузачи билан фикр алмашишади. Зеро, шундай бўлиши ҳам керак. Чунки шунчаки ёллаб олинган қондалардан кўра баҳс-мунозараларда туғилган, ўз тасдиғини топган ҳулосалар таъсирчанроқ бўлади.

Б. ТОШЕВ.

Сўраган эдингиз

С. СОДИКОВ: Мени бир масала қизиқтиради. Ҳозирда пойтахтнинг Чилонзор тумани ИИБ ёнги хавфсизлиги хизматида ишляпман. Яшаш жойим эса Янгийўлда. Умр йўлдошимнинг Тошкент шаҳридаги уйга доимий рўйхатдан ўтишим мумкинми?

Жавоб: Мумкин. Бунинг учун сиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги Қарорига биноан Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган махсус комиссияга мурожаат қилишингиз лозим.

Э. КУЛДАБАЕВ (Юнусобод тумани, Марказ-5, 40-уй, 49-хонадонда яшайди): Асли қозоғистонликман. Бир неча йилдан буён Ўзбекистонга келиб яшайман. Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини олиш учун нима қилишим керак?

Жавоб: Бунинг учун ўзингиз яшаб турган туман ИИБга тегишли ҳужжатларни тақдим этиб, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини олишингиз талаб этилади. 1992 йилда кучга кирган "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида"ги Қонунга асосан Ўзбекистонда 5 йил доимий яшаганингиздан сўнг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига

"ДОИМИЙ РЎЙХАТДАН ЎТМОҚЧИ ЭДИМ..."

Шу кунларда тахририятимизга келаятган мактубларнинг аксариятида фуқароларимиз паспорт тизими, қайддан ўтиш, фуқаролик ва шу каби бошқа масалалар хусусида тушунча беришимизни илтимос қилишяпти. Шунингдек, сим қоқиб ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилмоқдалар. Буни эътиборга олиб Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси чет эл фуқароларини рўйхатдан ўтказиш ва қайд қилиш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги А. Аъзамов ва бошқарма паспорт бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Ф. Тошпўлатовдан муштарийларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришларини илтимос қилдик.

қабул қилишларини сўраб мурожаат этишингиз мумкин.

Д. ИКРОМОВ (Тошкент шаҳри, Қорасув даҳасидан): Мен милиция соҳасида фаолият юритаяпман. Чет элга шартнома асосида ишлашга борсам бўладими?

Жавоб: Милиция соҳасида хизмат қилаётган фуқаро хорижий мамлакатга меҳмон бўлиб, хизмат сафари ёки сайёҳ сифатида бориб келишига рухсат берилади. Агар у чет элда бирор юмушни бажаришни истаса ички ишлар сафидан кетиб, умумий тартибда бориши мумкин.

Э. ШОДИЕВ (Бухоро вилояти Шофиркон тумани

Н. Ҳамроев номли жамоа хўжалигидан): Ота-онам бундан тўрт йил олдин Ўзбекистон Республикаси паспортини олишган. Аммо шу пайтгача қайддан ўтмай яшашаяпти. Улар паспорт тартибини бузганликлари учун жарима тўлашадими?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддаси 1-қисмига биноан паспорти бўлиши шарт бўлган фуқаронинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, қайддан ўтмай яшаши, паспортни қасддан яроқсизлантириши, шунингдек

паспортни бепарволик билан сақлаши ва бунинг оқибатида паспортнинг йўқолиши энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Кўриниб турибдики, фуқаро Э. Шодиевнинг ота-онаси кўрсатилган миқдорда жарима тўлайди.

М. АҲМЕДОВА: Қизимнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасини йўқотиб қўйдим. Уни ўзимиз истиқомат қилаётган Бекобод шаҳар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бюросидан олган эдик. Ушбу ҳужжатни тиклашнинг иложи борми?

Жавоб: Бор, албатта. Бунинг учун Бекобод шаҳар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бюросига ариза билан мурожаат этсангиз сизга дубликат берилади.

Х. ЧИНИБОЕВ: Опам Тожикистонга турмушга чиққан эдилар. 1996 йилда Тошкентга кўчиб келиб, отамиз яшаётган уйга қайддан ўтдилар. Лекин ўғилқизлари ҳамон доимий рўйхатдан ўтмаган. Улар қай тариха Ўзбекистон фуқароси бўлиши мумкин?

Жавоб: Ушбу вазиятда аввало ота-она Ўзбекистон Рес-

публикаси фуқароси бўлишлари талаб этилади. Шундагина фарзандлари ўзлари яшаётган туман ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлинмасига ариза билан мурожаат қилишлари мумкин. Уларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжат – чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга бериладиган Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси тақдим этилади.

Х. ЁҚУБОВ (Тошкент тумани Чувалачи қишлоғидан): Фуқаро бошқа фуқаронинг паспортдан ғаразли мақсадларда фойдаланса унга жазо бериладими?

Жавоб: Албатта. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддаси 2-қисмига асосан фуқароларнинг йўқолганлиги тўғрисида ўзлари ариза берган ўз паспортларидан, шунингдек бошқа фуқароларга тегишли паспортлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

С. ШОДИЕВ
эзиб олди.

ҚИСКА САТРАЛДАР

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбариятининг ташаббуси билан Ўзбек катта йўлининг Оқ олтин тумани ҳудудида қисқа фуқаролик ҳақон андозаларига мос келадиган "Сардоба" йўл-патруль хизмати маскани қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Зарурат туғилса узоқ сафарга отланган йўловчилар бу ерда ташкил этилган тиббиёт хонасида малакали шифокорлар хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Тумanning "Фарғона" давлат фермер хўжалиқлари бирлашмаси ҳудудидаги милиция таянч пункти замон талаблари даражасида таъмирланиб, ишга туширилди. Милиция таянч пунктида 5 та хона мавжуд бўлиб, маҳалла оқсоқоли, профилактика инспектори ва тезкор ходимлар ҳамкорликда иш олиб боришяпти.

ИИБ га Гулистондаги "Ҳабибиддин" фермер хўжалиғи ишчиси Икром Салоҳидинов ариза билан мурожаат қилиб, 17 апрелга ўтар кечаси ҳовлисидан 2 та 40 литрли бидон, 2 та алюмин қозон, 1 дона 20 литрли идиш — жами 65000 сўмлик буюмларни номатълум шахслар ўғирлаб кетганини маълум қилган. Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида ушбу ўғирликни Оқ олтин тумани Сардоба кўрғонида яшовчи, ишламайдиган Виктор Р. содир этганлиги аниқланиб, ушланди.

Қ. КАРИМОВ.
милиция катта лейтенанти.

ПУХТА БИЛИМ — КЕЛАЖАК КАЛИТИ

Фарғона шаҳридаги марҳум милиция генерал-майори Гулом Зокиров номидаги республика ҳуқуқий лицейи ташкил топганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган давр ичида билим даргоҳи ички ишлар идоралари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот назоратчи органларга кўплаб кадрлар етказиб берди. Лицейни муваффақиятли тамомлаган ёшлар ИИБ олий таълим муассасаларига кириб ўқиб, етук мутахассис бўлиб етишмоқда.



Лицей фаолияти билан танишар эканмиз, аввало ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилганининг гувоҳи бўлдик. Лицей битирувчиларининг асосий қисми ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида хизмат қилишади. Уларга юридик маълумотлардан ташқари жисмоний ва жанговар тайёргарликдан мустаҳкам билим бериляпти. Бунинг учун қишқи спорт зали, отиш майдончаси, футбол, волейбол, теннис майдонлари мавжуд. Ўқувчилардан иборат терма жамоалар турли спорт ўйинлари бўйича республика, вилоят мусо-

жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Ундан ташқари бир неча ўқувчилар спортнинг қатор турларида "Спорт устаси" даражасига эришиб, республика чемпиони унвонини қўлга киритишган.

Билим даргоҳида ётоқхона, маърифат хоналари, шунингдек, ўқув-зали, лаборатория, компьютер хоналари ўқувчилар ихтиёрида. Кутубхонада бадний, ўқув ва илмий китобларни мутлола қилиб, билимни бойитиш учун шароит яратилган.

Лицейга кириб, ўқишни хоҳловчилар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган номзодлар лицей ўқувчилари сафига қабул қилинади. Хизмат даврида ҳалок бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фарзандлари, ота-онаси йўқ, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун имтиёзлар бор.

Ўқувчиларга жисмоний тарбия, ҳарбий тайёргарлик, қўл жанги, ҳуқуқ



фанлари чуқур ўргатилади. Ҳайдовчилик касбини ҳам эгаллайдилар. Қолган фанлар эса умумтаълим мактабларидаги каби ўтилади. Лицейда ўқув машғулоти рус тилида олиб бориладиган синфлар ҳам мавжуд.

Билим даргоҳини битирган ўқувчилар асосан Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий ўқув юртларига кириб ўқийдилар. Шу боис ҳам ўқиш уч йўналиш: Академия, ҳарбий-техник ва ёнги хавфсизлиги бўлимларида олиб борилади. Бўлимларда бўлажак мутахассисликка

мос бўлган махсус фанлар бўйича машғулотлар олиб борилади.

Лицейни муваффақиятли тугаллаб ИИБ Академияси, ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ва Ёнги хавфсизлиги олий техник мактабига кириб, таҳсил олиб, етук мутахассис кадрлар сифатида ички ишлар идораларида хизмат қилаётган йигитлар кўп. Улар эл-юрт осойишталиги йўлида фидокорона хизмат қилишяпти.

М. КИМСАНБОВ.
Суратларда: лицей ҳаётидан лавҳалар.



БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Чилонзор тумани ИИБ томонидан 1941 йилда туғилган Владимир Александрович ГОРИН қидирилмоқда. Тошкент шаҳар Чилонзор даҳаси 18-мавзе 12-уй, 62-хонадонда яшаган. 2002 йил 4 март куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160 см, ўртача гавдали, юзи чўзиқроқ, сочига оқ тушган, қоши қалин, кўзи гилай, лаби қалин, шалпангқулоқ.

Кийимлари: бошида кўк шапка, эғнида жигарранг калта пальто, камзул, қора шим, оёғида жигарранг этик бўлган.

Алоҳида белгиси: чап қулоғида чандиқ бор.

А. Горинни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

UCHINCHI «Посинга» gazetasi

gazetasining ilovasi

+ TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

Машхур башоратчи Ванга

Болгариянинг Петрич шаҳарчасида

яшар эди. Унинг ҳузурига минглаб

одамлар ташриф буюришарди.

Улар орасида кўзга кўринган

сиёсатчилар, таниқли ёзувчилар,

санъаткорлар бор эди.

Аммо аксариятини оддий одамлар

ташқил қиларди.

Улар буюк башоратчини

кўришга ошиқшарди.



БАШОРАТЧИ ВАНГА:

у ҳамон тушларда башорат қилади

Ванга узоқ ва ўзининг сўзларига қараганда, машаққатли умр кечирди. Ўлимидан бир неча кун олдин у: “Мен оғир хастаман. Ҳадемай сизларни тарк этаман. Менга ҳасад қилманглар. Йиғласанглар майли, чунки ҳаётим жуда оғир ўтди” деган эди.

Иккинчи жаҳон уруши давом этарди. Ванганинг башоратчилиги қобилияти ҳақидаги овоза тезда Болгариянинг шаҳар-қишлоқларига ёйилди. Унга фронтдаги аскарларнинг қариндошлари мурожаат қилишарди. Ванга аскарнинг тирик-ўлиқлигини, қачон қайтишини айтиб берарди.

Орадан шунча йиллар ўтган бўлса ҳам, унинг 1968 йилдаги Чехословакия воқеаларини, америкаликларнинг биринчи бўлиб Ойга кўнишини, Индира Гандининг ўлимини, собиқ Совет Иттифоқининг парчаланишини олдиндан айтиб бергани ҳамон кишилар-

ни ҳайратга солиб келяпти.

Бир гал унинг ҳузурига машхур шоир Евгений Евтушенко кирган. Башоратчи ҳали ҳеч нарсани сўрамасдан шоирни “Худо беқиёс иқтидор берган экан. Нега бунча кўп ичасан, чекасан. Худди вино бочкасига ўхшайсан-а!” деб қаршилаган.

Ванга тақдирга ишонган. У “Ҳар кимнинг тақдири олдиндан белгиланган бўлади. Уни ҳеч ким ўзгартира олмайди”, — дерди. Биров тақдирдан, омадсизлигидан нолиса, у койиб берарди. Ванга ҳаётдан кўп нарса таъма қилмаслик керак, деб ҳисобларди. У бахт сабрқаноатда ва шукроналикда, дерди. Ванга “Киши ҳаётда қанча кўп қийналса, машаққат чекса, шунча покланади, тозаланари, гуноҳи ювилади” деб тез-тез такрорларди.

Ванга одамларнинг илтимосларига кўра мар-

ҳумларнинг руҳлари билан ҳам мулоқот қилиб турарди. Лекин бу ҳамон сирлигича қолмоқда.

“Руҳлар худди сувга ўхшаб шаффоф ва рангсиз бўлади. Аммо улар ўзларидан нур чиқаради, ёруғликни акслантиради. Улар ҳам худди одамларга ўхшаб ўтиришади, юришади, кулишади, йиғлашади... Ҳатто тушларимга ҳам киришади”, дерди у. Ванганинг тасдиқлашича, нариги дунё мавжуд, марҳумлар ҳам яшашади, уларнинг руҳлари орамизда бўлади.

Башоратчининг руҳлар қайта туғилиб, бу ҳаётга қайтиши ҳақидаги фикрлари ҳам қизиқарлидир. “Ҳа, руҳлар қайта-қайта туғилиши мумкин. Фақат яхши одамларнинг руҳлари Ерга қайтади”, — дерди у.

Одамлар қорамол қутуриши ва оқсил касаллигига оммавий чалинишидан анча олдин Ванга “Кўй ва қорамол

гўштини емай туриналар” деб огоҳлантирган эди. Бир куни ундан “XX аср вабоси” — ОИТС (СПИД)нинг давоси топиладими?” деб сўрашди. Шунда башоратчи “Ҳа, бундай дорини ўйлаб топишади. Лекин кейин ОИТСдан ҳам, саратондан ҳам хавфли касаллик пайдо бўлади. Одамлар кўчада кетаётган ҳам йиқилиб ўлиб қолаверишади. Аммо бу хасталикнинг олдини олиш инсониятнинг ўз кўлида” деб огоҳлантирган эди.

У кетма-кет келган табиий офатларни ҳам олдиндан айтиб берган эди. 1982 йилда Ванга “Бир неча йилдан сўнг бизларни нималар кутаётганини биласизларми? Ёнғинлар, зилзилалар, сув тошқинлари. Кўплаб одамлар жабр чекади. Бахтсизликлар ҳамма ёқдан ёғилиб келади. Барча халқлар зарар кўради”, — деб огоҳлантирганди.

1985 йилги Мексика зилзиласи 20 минг киши ҳаётига зомин бўлди, Мехикони вайронага айлантирди. 1988 йилги Арманстон зилзиласини эсланг. Спитак шаҳри вайроналари остида қолиб 100 мингдан зиёд киши ҳаётдан кўз юмди.

Сув тошқинлари, вулқон отилишлари, мисли кўрилмаган қурғоқчиликлар, ўрмонлардаги ёнғинлар, кучли селлар, яна қанча-қанча табиий офатлар ҳали-ҳануз давом этапти. Техника билан боғлиқ фалокатлар, поездларнинг тўқнашувлари, кемаларнинг чўкиши-чи? Ҳа, Ванганинг башоратлари ўз тасдиғини топяпти.

У “Курск сув остига чўкади” деганда ҳамма Россиядаги шаҳарни ўйлаб, ҳеч ким бунга ишонмаганди. Ваҳоланки, орадан муайян вақт ўтиб “Курск” сув ости кемаси ҳақиқатан ҳалокатга учради.

Ванга “Муқаддас китобларда ёзилганидек,

охират замон, қиёмат қойим ҳам бўлади”, — деган. Аммо бунинг муддати ҳақида ҳеч нарса демаган. Фақат унеча камида минг йил тўқин-сочин, фаровон ҳаёт бўлишини айтган. Айни пайтда бу дорилар кунлар 2050 йилдан олдин бошланмайди, деб башорат қилган.

У ердан ташқарида ҳам цивилизация борлигига, НУЖларга ишонган. Ишонгангина эмас, ўзга одамлардан келганлар билан мулоқотлари, ўзи ҳам Вамфим сайёрасида бўлганлиги ҳақида бир неча бор ҳикоя қилиб берганди. Ванга “Ўзга сайёраликлар ерликлар билан ошқора мулоқотга киришгач, табиий офатлар барҳам топади, Ерда осойишталик қарор топади. Аммо бунгача камида 200 йил бор”, деб башорат қилган.

Вангадан ғайриоддий қобилиятининг сирини сўраганида “Бу худодан. У кўзимдан жудо қилиб, эвазига бошқа кўз ато этди. Бунинг ёрдамида аён ҳам ноаён дунёларни кўраман”, — деган эди.

1996 йилда Ванганинг соғлиги ёмонлашди. Уни касалхонага ётқизишди. 85 ёшли башоратчи умри поёнига етаётганини яхши англади, аммо бундан кўрқмасди.

“Нега ўлимдан кўрқасизлар? — деб сўрагани у ўзини кўришга келганларнинг биридан. — Ўлим гўзал. Мен уни кулиб турган ёш аёл қиёфасида кўриб турибман. Унинг сочлари ёйилган, силлиқ. Нега ўлимни ёмон дейишади? Асло бундай эмас...”

Ванга ўлди. Аммо унинг руҳи ҳамон орамизда. Ҳали ҳам у яқинларининг тушларига кириб турар экан. “Бизларга маслаҳатлар беради, башоратлар қилади. Унинг нариги дунёдан айтган гаплари ҳам амалга ошяпти”, — дейди башоратчининг дугоналаридан бири.

Хорижий матбуот материаллари асосида тайёрланди.

КУЛГУ ҲАМИША

Санъатсевар ва санъатпарвар халқимиз азалдан бетакрор истеъдодларга, қобилият эгаларига жуда бой. Шунинг учун ҳам байраму сайилларимиз, тую томошаларимиз уларсиз ўтмайди. Айниқса, санъаткорлар суҳбатидан бахраманд бўлишнинг завку шавқи ўзгача...

Бугунги суҳбатдошимиз – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, республика аскиячилар ва кизикчилар кўрик-танловларининг бир неча бор совриндори, таниқли сўз устаси Жўраҳон Пўлатов.

– 1934 йилда Қўқон шаҳрининг Мисгарлик маҳалласида туғилганман. Болалигим иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган. Жуда қийин пайтлар эди ўшанда. Санъаткор зоти кам эди. Биласиз, етти пуштим қизикчи ўтишган. Тўққиз ёшимда ноқ дадамлар билан чойхона-чойхона юриб, кизикчилик ва аскиячиликнинг машқини олганман.

Ўша вақтларда ҳамма самовар (чойхона)ларнинг саҳнаси бўларди. Ансамбль бўлиб юриб, концерт берардик. Чорсу майдони ёнбошидаги мисгарлик гузариди Каримберди домланинг ўгли Раҳимжон билан биргалликда чилдирма чалардим. Машхур ҳофиз Тўраҳон ака Худойбердиев биринчи устозим бўладилар.

Мен умуман Қўқондаги ёши улуг барча катта санъаткорларни ўз устозим деб биламан. Расул қори ака Мамадалиев, Ғойиб тоға Тошматов, Обил ака Норматов, Насриддин бува, Мамарозиқ ака, Ижрокўм (Турсун) бува Аминов, Мухторжон Муртазов каби ажойиб инсонлардан бир умр миннатдорман.

Қирқ йилча Қўқон мусиқали драма театрида актёр, Занжирали Мирза-

тов номидаги шаҳар халқ театрида, маданият уйида бадиий раҳбар бўлиб ишладим. Кўпгина спектаклларни саҳналаштириб, элликлдан зиёд ролларни ўйнадим. Масалан, “Кутилмаган кедин”да қори, “Тоҳир ва Зухра”да Парпи ҳофиз, “Парвона”да Аброр, “Қўқоннинг ўн иккинчи дарвозаси”да Қосимбек, “Равшан ва Зулхумор”да Эрсак...

– Шу роллар ичида ўзингизга энг ёққани қайси?

– Албатта, “Афандининг беш хотини”даги Афанди роли-да! Негаки, Афанди – халқимизнинг фахри, ҳамиша кувноқ ва барҳаёт сиймо!..

– Ўзимизнинг миллий мусиқа асбобларидан ташқари ҳар хил оврупоча асбобларни ҳам бемалол чалавераркансиз-а?

– Тўғри, ҳарбий хизматда оркестрга тушганман. Ўшанда саксофон, альт, тромбон каби асбоблар ҳам қўлимиздан ўтган. Шунинг учун ана ўшаларда ҳам бемалол нағма қилавераман.

– Сизнингча, аскиячи қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?

– Аскиячи аввало қайноқ ҳаётда, одамлар орасида кўп бўлиб, уларни яхши билиши зарур. Бундан ташқари, у турли-ту-

ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!



ман касб-ҳунарларнинг сир-асрорларидан озми-кўпми хабардор бўлиши шарт. У вақти келса, лўччик (учувчи), дўхтир, косиб, қассоб, полвон, боксчи, хоккейчи, тижоратчи, шопир (ҳайдовчи), курувчи ҳам бўлиши даркор. “Йигит кишига қирқ ҳунар оз”, деган мақол аслида аскиячи учун чиқарилган. “Косанинг тагида – нимкоса”, деганларидек, ҳаёт бағридан, ана шу билимлардан аския келиб чиқади.

– Аския билан кизикчиликнинг фарқи нимада?

– Аскияни якка ижро этиб бўлмайди. У худди футболдақа жамоа ўйини. “Тўп”ни ким тепадию, ким “гол” уради, ким нимадан бошлаб, қайси томон ютадию, қайсиниси ютқазди – аввалдан билмайсиз. Мабодо, биров билиб-билмай кўнгилни оғритиб қўйса, соқовга ўхшаб гунг бўлиб тураверишингиз ҳам ҳеч гап эмас.

– Кулгунинг қандай турлари бор дунёда?

– Манимча, бу ёруғ оламда қанча одам бўлса, кулгунинг тури ҳам шунча кўпдир. Тўғри, кулмай-диганлар ҳам бор. Ўйлаб кўрсам, уни ҳар ким ҳар хил тушунаркан. Ич-ичидан мириқиб куладиганлар ҳам кўп. Баъзилар аския, сайил, базмдан сўнг эртасига ёки индинига кўришганда, сизни бир бурчакка тортиб, гапиради: “Кеча ўша аския пайровининг мана шу, мана шу жойларида роса “тишла-тиб” ўтдингиз-да, бай-бай! Бошқаларни билмадиму, ўзим ёмон маза қилдимда”, деб.

– Ҳа, албатта. Ахир, одамларни кулдираман, деб, ўзи кулгу бўлиб қолаётганлар ҳам бор-ку?

– Тўғри, кулгу – бошқа, кулки – бошқа. Бошқа бировни кулдираман, деб ўзи унинг қўлида кулки бўлиб қолиш – яхши эмас.

– Ҳозиржавоблик ҳам санъатми?

– Ҳа, санъат! Санъат бўлгандаям худо берган санъат! Яхши санъаткорни қадрлаш керак.

Сиз кутган учрашув

– Аскиячилигимизнинг ҳозирги ҳолати ҳақида нималар дея оласиз?

– Бундоқ дўппини бир четга қўйиб ўйлаб кўрсак, 24 миллиондан зиёд халқимизга атиги беш-тўрттагина профессионал аскиячи тўғри келяпти экан. Шундай ажойиб анъанамиз, удумимиз йўқолиб кетмасин, ишқилиб. Бунинг учун ёшлардан кўплаб шогирдлар тайёрлаш керак. Шу йўналишда шаҳар аскиячилар клубида астойдил ҳаракат қилияпмиз. Ҳозир клуб қошидаги ёш аскиячилар мактабида ўнга яқин ўқувчи-ёшлар устозлардан сабоқ олмоқдалар.

– Келгусидаги режаларингиз?

– Юрагимда орзу-армонларим, ниятларим мўл. Дадамни биласиз. Пўлатжон қизик Норматов ҳақида энциклопедиядаям ёзишган. У киши 1937 йилда Эрка қори Каримов, Комил қори Қулижонов, Ака Бухорлар билан Москвадаги ўзбек санъати декадасида қатнашишган. Дадамлардан катта мерос

қолган. 1935-1940 йилларда катта боғдаги томошаю сайиллар “Шайтон”, “Кетмон тилаш”, “Атторлик”, “Ўлик сотди”, “Саодатхон” каби катта кизикчиликлар билан яқунланарди. Мусиқали лапар аскиялар ҳам бўларди. Ҳозир ота қадрдонларимиздан саксон ёшдан ошган Урайимжон (Иброҳимжон) ака Қобилов борлар. У киши “Кетмон тилаш”да қози бўлиб чиқардилар. Оллоҳ умр берса, шуларни намойиш қилиш мақсадидамиз. Насиб этса, ўзим ҳам “Хур! Ванг!”, “Райҳон таққан табиб” каби миниатюраларимни, аския пайровларимни янаям кўпайтирмақчиман.

– Барча кулгусеварларга, муштарийларга тилакларингиз?

– Ҳаммаларининг хонадонлари ҳамиша кулгуга тўлсин! Юртимиз доимо осойишта, тинч-барқарор бўлсин. Негаки, тинч-барқарор элга кулгу ярашади, тўй ярашади. Ана шундай байрамлар, халқ сайиллари ва томошаларининг бекаму кўст ва кўнгилли ўтишида масъулиятли касб фидойилари – осойишталигимиз посбонларининг ҳам хизматлари катта. Уларга ҳамиша сиз ҳат-саломатлик, ишлари-га ривож тилайман. Машаққатли вазифаларни бажаришар экан, доимо уларга кулгу, хушчақчақлик, хурсандчилик ҳамроҳ бўлсин.

Суҳбатдош
А. ИСОМИДДИН.

Суратда: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ж. Пўлатов (чапдан иккинчи) шаҳар аскиячилар клуби раҳбари А. Анваров, “Шухрат” медали совриндори Н. Тошматов, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими И. Носировлар билан.

Кизикчининг ўзи қизик!

“ЎЙҚУМ КЕЛМАЯПТИ...”

Тўй кеч тугаб Обил ака Норматов, Йўлдошхон Носиров ва бошқаларга уйга жой солиб беришибди.

Вақт алламаҳал бўлиб, ярим кечадан ошибди ҳамки, Обил ака дам у ёқ, дам бу ёққа ағанаб чиқармиш.

– Ака, сизга нима бўлди? Ухлалмаяпсизми? – деб сўради Йўлдошхон.

– Ҳа. Тўй эгаси берган ҳалиги пулдан узатиб қўймаган, бу кеча сираям ухлаёлмайман шекилли, укажон...

ТАНДИР ТЎЙГА КЕТЯПТИ...

Бир гуруҳ аскиячилар Ғойиб ота Тошматов билан узоқ бир жойга тўйга боришибди.

Кўчада шериклари бир ёққа қараб юрса, Ғойиб ота тескари томонга қараб кетаётган эмиш.

– Ҳа, Ғойиб ота, йўл бўлсин? – деб сўрашибди ундан.

– Ана, қаранглар, тандир опкетишяптикан. Тўй ҳам шағда бўлса керак-да...

ЕТМИШГА ЕТСИН

Бир пайтлар Йўлдошхон Носиров, Неъматжон Тошматовлар Обил ака билан тўйга боришибди.

Тўй тугагач, мезбон уйга жой қилиб берибди. Аскиячилар бир-бирларига тескари ўтирганча ёнлари-

ни кавлаб, қистирилган пуллар сарҳисобини қила кетишибди.

– Йўлдош, – дебди бир маҳал пул санаб чарчаган Обил ака ўгирилиб.

– Ҳа.

– Ука, шу мана, ёшим ҳам етмишга бориб қолди. Яна икки сўм бер. Буёғи ҳам етмиш бўлсин...

“АВВАЛ БУНДАН ҚУТУЛАЙ...”

Тошкентда юрганида Махсум ака (Абдулҳай Махсум Қозоқов) Йўлдошхон акага ҳадеб тихирлик қилаверибди:

– Энди бир манга кабоб обергин-а, ука...

Ниҳоят улар кабобхонада тамаддини бошлаган эканки, бир пайт биров келиб, қўл чўзибди:

– Бир хайр қилинг, акажон...

– Э, тўхта-тўхта, – дебди Йўлдошхон ака ва ёнида чандир чайнаб ўтирган Махсум акани кўрсатибди: – Аввал мана бундан қутулиб олай...

“ЧОЙХОНАЧИНИЯМ БОПЛАДИМ...”

Янгикўрғонда аскиячилар ош қилишибди.



Чойхоначи атай қитмирлик қилиб, ўтинни кам берибди. Ош дамлар маҳали ошпазга ёрдам бериб юрган аскиячи шерикларига дермиш:

– Ўтиндан қисгани учун чойхоначини мен ҳам роса бопладим.

– Нима қилдинг ўзи?

– Ўчоқ тепасидаги икки дўппи тузини аямай-нетмай ҳаммасини қозонга соливордим...

O`nta farqni toping



ДУШАНБА, 20

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 "Ўзбектеlevision" намоиши: "Эллик қалъа".

ЎзТВ - II

21.30 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. "Парисибор уй".
22.00 "Миллионлар ўйини". Спорт дастури.
22.30 "Кавингтон Кросс". Телесериал.

ЎзТВ - III

ЭНИГА: 1. Жаҳонни забт этган. 3. “Кўён”ларни ёқтирмайдиган транспорт тури. 6. Кўп чайналган, ишлатавериб кўнгилга урган. 8. “Дума-лоқ” пирамида. 10. Йиғилиш, мажлисларни ўтказиш тартиби. 11. Ишбилармон. 14. У ердан кириб, бу ердан чиқиб кетадиган шамол. 15. Дарахтнинг “боласи”. 18. Муҳим хабарни етказиш учун юбориладиган отлиқ. 20. Бир жойда туғилиб ўсган кишилар. 21. “Замонавий” хуржун. 22. Ёзувчи. 25. Бировни қўрқитиб, ҳаётига тажовуз қилиб мол-мулкини олиб қўйиш. 28. Гўдаклар “мактаби”. 31. Намунали иш-ҳаракат. 32. Хоккейчилар “коптоғи”. 33. Ҳарбий қисм. 34. Намоз. 37. Қизлар исми. 38. Ўтказгич сим. 39. Паганинини дунёга танитган мусиқа асбоби. 43. Унинг тоши энг катта харсангдан ҳам қаттиқроқ зарба беради. 45. ...нинг оти қўрқоқ. 47. Отадан қолган. 49. Кичкина хона. 50. Агага Кристи асарлари қаҳрамони, лекин мисс Марпл эмас. 51. Қий-чув, шовқин. 52. Ишоти талаб қилинадиган ҳақиқат. 54. Хушбўй гулли дарахт. 56. Янги, кийилмаган. 59. Иситма чиқариб, қалтиратадиган юқумли касаллик. 60. Жиноятга алоқаси йўқлигини исботловчи далил. 61. Наслдор, чопқир от, аргумоқ. 62. Даллол. 63. Қўшин. 64. Қирол ўриндиғи. 66. Гуручнинг кушандаси. 67. Қиморга берилган одам. 69. “Ташқи”нинг акси. 71. Чорва. 73. Келиннинг кийими. 75. Ташкилот, муассаса, бошқарма. 76. Ўзбек мумтоз мусиқа асарлари. 77. Уйғунлашган ёқимли товушлар оқими. 78. Шарият ва дин қонун-қоидалари асосида чиқариладиган хулоса. 79. Букри лекин тойчоқ эмас. 80. Ҳайит муносабати билан бериладиган совға.

БЎЙИГА: 1. Кўнғироқ соч. 2. Форд — автомобилсоз, Королёв — ... 3. Равшан, маълум. 4. Балли, яша!. 5. “Camel”, “Marlboro”, “Pine”... 6. 60 дақиқа. 7. Ўртача баҳо. 9. 96 градусли суюқлик. 12. Гуноҳкор бандалар абадий азобланадиган жой. 13. Отнинг ўрнига аравага қўшилган одам. 16. Қалин бутазор. 17. Мультифильм қаҳрамони Кеша парранда сифатида. 19. Нурланиш хоссасига эга. 20. Қўрққанидан ...си ёрилди. 23. Бола баҳона, ... ганимат. 24.



Тарбия кўрмаган. 25. Махфий агент, жосус. 47. “Қўшимча” муаллим. 26. Фотоаппаратнинг “кўзи”. 48. Бошоқли экин. 49. Ҳаж зиёратини амалга оширган киши. 53. Одамнинг жонига қасд қилиш. 55. Кишиларни рўйхат бўйича текшириш. 57. Отелло ким сифатида дунёга танилган? 58. Ўйин варақчалари. 59. Юза бирлигига тўғри келадиган куч. 61. Асосан аёллар фойдаланадиган уй жиҳози. 65. Ўзбекча “чупа-чупс”. 67. Резиденция. 68. Тўп, лекин спорт анжони эмас. 70. Башорат. 71. Жумбоқ. 72. Бирор ишни удалаш қобиляти. 73. Маблаг. 74. Гиннес китобига кириш учун керак бўлган нарса. 75. Петровнинг қаламдоши.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН Сонида ЧОП ЭТИЛГАН КРОССЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ (11-бет):

1. Зокиров. 2. Воҳидов. 3. Вақт. 4. Тансиқбоев. 5. Висла. 6. Аймоқ. 7. Комус. 8. Сулаймонова. 9. Алла. 10. Ақл. 11. Ленц. 12. Цна. 13. Алиев. 14. Воҳа. 15. Ааре. 16. Ер. 17. Ранда. 18. Асп. 19. Рабле. 20. Елка. 21. Анжир. 22. Рига. 23. Адмирал. 24. Луков. 25. Ван. 26. Немо. 27. Одат. 28. Тил. 29. Ляхэ. 30. ЭРБ. 31. Бахя. 32. Яшин. 33. Нитронг. 34. Глюк. 35. Кио. 36. Ой. 37. Йод. 38. Дуо. 39. Ошпазлик. 40. Кинг. 41. Гус. 42. Сато. 43. Озокерит. 44. Тир. 45. Рона. 46. Анор. 47. Ром. 48. Мақол. 49. Лоа. 50. Аёз. 51. Зира. 52. Аёл. 53. Лом. 54. Мадрид. 55. Дада. 56. Амирий. 57. Йил. 58. Лимит. 59. Тана. 60. Акс. 61. Сада.

Шаклнинг доирачали хоналаридаги ҳикмат: КИМНИНГ ЯХШИ НОМИ ҚОЛМИШ ДУНЁДА, УЛ АБАДИЙ ТИРИК, УМРИ ЗИЁДА.

Б. АЗИМОВ тузган.

Шунақаси

ҳам бўлади

ТҲЙДАГИ ХАНГОМА

Тюмендаги бир тўйда кулгили ҳолат юз берди. Келин-куёв энди ўз жойларига ўтиргандилар меҳмонлардан бири – Руслан қадимий одат бўйича келиннинг оёғидаги оқ туфлининг бир пойини олиб қочди. Куёвнинг дўстлари “ўғри”ни тутиш учун югурдилар. Бироқ йигит тутқич бермай, қаҳвахонадан кўчага чиқди-ю, қочиб кетди.

Келин шўрлик гоҳ бир оёқда туриб, гоҳ куёвнинг тиззасида ўтириб, қирқ дақиқадан ортиқ “ўғри”ни кутди. Кейин эса тўйхонага милиция ходимлари кузатувида... Руслан кириб келди. Маълум бўлишича, аёлларнинг бир пой туфлисини кўтарганча кўчага югуриб чиққан йигитнинг ҳаяжонли ҳолати постпатруль хизмати милиционерларининг диққатини тортган. Йигитни тутиб, ички ишлар бўлимига олиб боришган. У ерда гап нимадалигини суриштириб билгач, йигитнинг гапи рост-ёлғонлигини аниқлаш учун тўйхонага олиб келишган экан.

ХИЗМАТ ИТИ ҚАЙТАРИЛДИ

Орловдаги Ливен ички ишлар бўлинмасига қарашли ўта ақлли ва ҳушёр хизмат ити – “Улла” сирли равишда йўқолди. Кўп ўтмай унинг дараги чиқди.

...Майда ўғирликлар билан ном чиқарган Людмила Моисеева майда безорилик учун бўлинмада ўн беш сутка “меҳмон” бўлган вақтида “Улла”га топган-тутганини едириб, уни ўзига ўргатиб олди. Аёл озодликка чиқиши билан олти ярим минг рублга баҳоланган бу итни ўғрилаб, бир шиша қўлбола ароққа алмаштиради. “Улла” бўлинмага қайтарилди. Моисеева хоним эса катта миқдорда жарима тўлаш билан бирга озодликда бўлган қисқа вақт ичида содир этган яна 9 та ўғрилиги учун жавоб беришига тўғри келади.

“ОГОХЛАНТИРГАН ЭДИМ-КУ?..”

Рязан туман суди 25 ёшли Алексей исмли чўпон йигитни уч йилга синов муддати билан тўрт йиллик шартли жазога ҳукм қилди.

Маълум бўлишича, Алексей мастликда қўшниси билан ер таланиб, уришган. Даҳанаки жанг муштлашувга айланиб, чўпон йигит рақибини ерга йиқитган. Устига миниб олиб:

— Ҳозир буринингни тишлаб, узиб оламан! — дея огоҳлантирган ва шу заҳоти бу гапни амалда “исботлаган”. Натижада жабранувчи воқеа жойида ҳушидан кетган. Бечора муштлашувдан кейин узоқ муддат даволанган.

Хориж матбуоти асосида тайёрланди.

| | | | | | | | |
|----------------------|-------------------------------|------------------|---------------------------|-----------------------|-------------------------------|--------------------------|--------------------------|
| Оқ-қора | Бобосининг эркаси | Сутка | Ман | Киркоронинг рафикаси | Очофат афсонавий маҳлук | Бошқа давлатни забт этиш | Маҳалла оксоқоли (эск.) |
| Шар | Рангли модда | | Куроли йўқ | Чекка | Пиширик | Сотқит, хоин | Керак, лозим |
| Хушбўй гулли ўсимлик | Тескари, хилоф | Энсия | Шойи | | | Овқат (эск.) | |
| | | | Тошбақанингни “иш куроли” | Лампочкасимон мева | | Дард давоси | |
| Нурмат | Икки-юзлама-чилик | Янги йил дарахти | | | Карзга бериялган пул фонзи | | Жон деб |
| | | | | | | | Катта бола |
| Буйруқ варақаси | Ланж, илинж | Бирга, билан | | | | Эътибор | Спиртли ичимлик |
| | | | | | | Чуқур | Йиғилган, тўпланган |
| Тўла | Хитойдаги дарё | | | | | | |
| | | Овунч | | | | Баланд | Катта эркак туя |
| Ов | Ўқ | От абзаали | | | | | Шубха, гумон |
| Тин ... (реж.) | | | | | | Қилтирик | Эътиборли |
| | | | | | | | Харбий бирикма |
| Сунъий кал | Кичкина декча, ичи тўла миҳча | | | «Қарокчилар» ичимлиги | Ғалаба маъбудаси (грек. миф.) | Ғайтақ арқон (механизм) | |
| | | | Харбий хизматчи | | | | Франция департаменти |
| Харбий костюм | Гавда, жусса | Баҳаво | Исм, ном | Заҳоб эрларни қуритиш | Ясси | Қайсар | Ҳинд эпоси |
| | | | Айтарли | | | | Меҳнат |
| Поём | Товон | Хушбўй, сув | | | Ҳинд аёллари либоси | Хурофий тадбир | |
| | | Чекимлиқ | Кичкина темир қозик | Ж. Кореядаги шаҳар | | | Устидан ёки ичидан ўтиб |
| Ҳақиқат | Қимматли қогоз қиймати | | | | | “Спартак” асари муаллифи | Дантес қамқонаси |
| | | | | Эркаклар исми (арм.) | | | Ислом, Буддизм, Христиан |
| Пардоз берилган | Қабобнинг “фарқли белгиси” | | | Кўзи ... ёшга тўлди | | Ранжиган | |



ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СЕНИДА ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ (6-бет):

ЭНИГА: Эн. Фарзин. Закот. Кема. Бу. Азот. Сабоқ. Анонс. Зид. Ука. Жоиз. Ой. Араз. Ими. Хил. Биз. Халқ. Ол. Агар. Жин. Ана. Урф. Атирсовун. Он. Ва. Ер. Эл. Оч. Ориятли.

БҲЙИГА: Фактсиз. Авиатор. Крем. Баджаҳл. Ин. Азон. Озиқа. Ур. Эр. Из. Қози. Гурс. Ли. Энага. Фол. Су. Ибора. Обод. Комил. Увол. Ертут. Майиз. Фазначи.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СЕНИДА ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ (12-бет):

ЭНИГА: Пўртана. Мўл. Оро. Нота. Кассета. Оила. Вазмин. Нарвон. Қалтис. Асп. Сеанс. Син. Мишиқи. Гажақ. Из. Қасддан. Жасур. Яғана. Ҳавас. Ус. Харом. Ра. Разведка. Ияқ. Тама. Гол. Толесиз. Пона. Дуп. Оле.

БҲЙИГА: Тўда. Қаҳқаҳа. Ямоқ. Асар. Тос. Шаҳсувор. Теп. Дарё. Драма. Асо. Нотавон. Ёд. Замин. Академик. Ая. Аза. Озар. Энгурс. Омоним. Ватансиз. Асад. Гадо. Ўг. Лифо. Иссиқ. Изн. Кио. Ул. Лаган. Наср. Нийз. Аква. Лопес.

ЭРТАНГИ КУН ТАШВИШИДА

Хар қандай ҳарбий жамоа бутун бошли хўжалик. Бугунги сардор маълум даражада иқтисоддан ҳам хабардор бўлиши лозим. Авваламбор, газнадан ажратилаётган маблағдан тежаб-тергаб, самарали фойдаланиш керак. Қолаверса, ички имкониятларни ишга солиш ҳам муҳим омил.

Офицер Шарофиддин Ҳожиёв бошчилик қилаётган ҳарбий жамоада ана шу ички имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланилапти. Аскарлар орасида сувоқчилик, гишт териш, бўёқчилик қўлидан келадиганлари бор. Ўқув машғулоти ва хизматдан бўш пайтлари улар мавжуд бинони қайта қуриб, таъмирлашапти. Бу ерда келажакда тиббий пункт жойлашади. Тиббий пунктнинг ҳозирги биноси эса кейин аскарларнинг ота-оналари билан дийдорлашув хонаси бўлади.

— Ёзга чиқиб қишки ошонанинг пастини ка-

фел қилиб, тепасини бўяб, хуллас жорий таъмирдан чиқарамиз. Ёзги ошхона ҳам қуряпмиз, — дейди Ш. Ҳожиёв.

Ҳовли саҳнига уч юз тупдан ортиқ атиргул кўчати ўтқазилди. Кўплаб янги ўтқазилган олма, ёнғоқ кўчатларига кўзим тушди. Илгаридан бўлган олчаю гилослар шигил мева қилган. Бир аскар тоқларни тараб, ишқомларга боғлаб юрибди.

Жамоа ҳовлиси 40 гектарча келаркан. Бир қарич ҳам бўш ётган, қаровсиз ерни кўрмайсиз. Ё тозаланиб, чопилиб, бир нима экилган ёки махсус так-

тик машғулотлар учун ўқув ўринлари, ёзги суҳбатхоналар қурилаяпти, боғ қилинаяпти.

— Бошлиғимиз миришкор одам. У кишининг ҳар соҳадан яхшигина хабари бор экан. Келганларига саккиз ой бўлди. Шундан буён бизларга ҳам тиним бермайдилар, ўзларида ҳам тиним йўқ. Бошда балки бир-ярим киши оғрингандир. Ҳозир кўзга ташланиб қолган ўзгаришларни кўриб ўшаларнинг ҳам завқи, ғайрати келаяптандир, — дейди жамоанинг таъминот бўлинмаси бошлиғи, офицер О. Жўраев.

Ҳа, чорвачилик масаласида. Жамоанинг ўн бошча чорва моли ҳам бор. Ошхонадан чиққан озиқ-овқат қолдиқлари: уларга берилаяпти. Ўт-хашак ҳам етарли.

Ўзбекистон заминига

таёқ тикса кўкаради, дейишади, аммо унга меҳр керак, парвариш керак. Бўлмаса ғовлаб, ёввойилашиб кетади ёки қандай кўкарган бўлса, шундай қурийди ҳам. Жамоадаги ҳар бир бўлинманинг ўзига биркирилган ҳудуди бор. Шу ердаги тозалликка, ободончиликка улар масъул. Экин-тикинларга ҳам.

Ошхона яқинида иссиқхонага кўзим тушди. Ўтган йили фойдаланилмаган кўриниб турарди.

— Бу йил ишга туширамиз, — деди Шарофиддин ака. — Тўғриси, ҳаммасига бирдан улгуриш қийин. Баъзан куч, вақт етмайди.

— Маблаг-чи? — сўрадим ундан.

— Нолисак ношукурлик бўлар. Гулом Исроилов раҳбарлик қилаётган муассаса, Қоровул кўшинлари Бош бошқ-

армаси раҳбарияти яқиндан ёрдам беришапти.

Ҳали аскарлар ётоқхонасида амалга оширилаётган таъмирлаш ишларини ёзмадим. Балки мен билмаган, Шарофиддин ака айтмаган, маблағ кераклиги сабабли ичида сақлаб турган режалари бордир. Демокчиманки, муассаса ҳам, Бош бошқарма ҳам ёрдамни кўпайтирса, бошланган хайрли ишлар янада авжига миниши аниқ.

Сардор автотранспорт воситаларини кўздан кечираётганимизда, яқинда олинган материални кўрсатиб:

— Шундан янги дарвоза қиламиз, — деб қолди.

Унгача назорат-ўтказиш пунктида таъмирлаш, тиббий пункт қуриш ишлари яқунланса, ёзги ошхона қурилиши илгариласа, казармалардаги маиший хизмат хоналарини такомиллаштириш ишлари тугалланса, янги ўтқазилган

кўчатлар япроқ ёзиб кетса. Бир тасаввур қилинг. Албатта, янгиланаётган жамоага янги дарвоза ярашади-да.

Мен атайлаб ушбу мақоламда жанговар ва хизмат тайёргарлиги машғулоти, маданий-маърифий тадбирлар устида тўхталмадим. Булар алоҳида мақола учун мавзу бўлади. Аммо бир нарса аниқ — аскарга яратилган шароит, унинг дастурхони сабзавотларга, мева-чевага бой бўлиши, ҳарбий жамоадаги ободончилик ҳеч шубҳасиз хизмат самарасига таъсир қилади. Буни сардор ҳам, жамоа аъзолари ҳам жуда яхши билишади. Улар яна бир нарсани аниқ билишади. Эртанги авлод “Мана бу бино фалончи сардор бўлган пайтда қурилган, таъмирланган. Мана бу боғни фалончилар хизмат қилиб юрган маҳаллари бунёд этишган” деб эслашади.

Б. ТОШЕВ.

СУРАТЛИ ЛАВҲА

Оққўрғон шаҳридаги “Ўзбекистон” маҳалласига 1999 йилдан буён узоқ йиллар Тошкент вилояти йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида меҳнат қилган, истеъфодаги милиция майори Абдукарим Қўшбоев раислик қилмоқда. Бу даврда мазкур масканда бирорта жиноят содир бўлгани йўқ. Чунки маҳаллада туман ички ишлар ходимлари билан жамоатчилик ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилган. Ай-



ниқса, болалар ва ўспиринлар билан ишлаш ижобий самара бермоқда.

Бу маскан Оққўрғон шаҳридаги мавжуд тўққизта маҳалла ичида энг осойишта ва обод деб топилган. Унинг бу даражага етишида маҳалла посбонлари У. Аноркулов, С. Жумабоев, Ш. Абдулаҳатовларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Суратларда: А. Қўшбоев маҳаллада истиқомат қилувчи Ражаб ота Ширинов билан; милиция сержанти Ҳамид Тўйчиев маҳалладаги болалар билан профилактик суҳбат ўтказмоқда.

П. ЭРГАШЕВ.

Муаллиф олган суратлар.



Бухоро вилоятида бир ярим мингдан зиёд халқ хўжалик иншооти ва 1400 га яқин хонадон ходимларимиз томонидан кўриқланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мазкур объектларда бирорта ҳам ўғирликка йўл қўйилмади.

Бунинг сабаби барча иншоотлар замонавий кўриқлаш-сигнализация воситалари билан жиҳозланганидандир. Хонадонларнинг ҳаммаси, халқ хўжалик объектларининг эса ярмига яқини марказий кўриқлаш пультага уланган. Хизмат итларидан ҳам сўнгги пайтларда тобора самарали фойдаланилапти. Яқинда Когон шаҳрида янги питомник ишга тушди.

Техник воситалар, хизмат итлари ўз йўлига, аммо ходимларнинг хушёрлиги, ҳалоллиги ҳаминша ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун бизда хизматга

янги қабул қилинган йиғитлар аввал бошқарма ўқув марказида ўқитилади. Улар бошланғич тайёргарликдан ўтиб, битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширгачина ҳақиқий ходим деб ҳисобланадилар. Шунда ҳам уларга тажрибали, кўпни кўрган ходимлардан мураббий тайин этилади.

Офицер кадрлар тайёрлашда республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабининг улуши катта бўлаяпти. Шу таълим даргоҳида ходимларимиз малакаларини ошириб қайтишапти. Бу йил мазкур

КЎЗ ҚОРАЧИФИДЕК АСРАБ

мактабга кириш учун талабгор бўлган ўттиз нафар номзоднинг ҳужжатлари тайёрланаяпти. Орадан йиллар ўтиб улар орасидан муносиб ўринбосарлар етишиб чиқиши шубҳасиз.

Таълим ва тарбия жараёни бир-бирдан ажралмасдир. Шахсий таркиб ичидан хизмат интизомини бузганларни одоб ва интизом судлари кўриб чиққач, уларга нисбатан чора қўрилади. Суд мажлисида муҳокама қилинаётган ходимнинг оила аъзолари тақлиф қилинади. Бу ҳам ўзига хос тарбия. Бу йил икки киши ички ишлар идоралари ходимига номуносиб хатти-ҳаракатлари учун хизматдан бўшатилди.

Бир қарашда кўзга кўринмайдиган, аммо корхоналарда катта зиён етказадиган иллат — ташмачилиқдир. Хусусан, ишхонасининг тузини тотиб, тузлугига тупурадиганларнинг қилмиши хавфли. Ходимларимиз бундайларга қарши муросасиз курашяптилар. Когон шаҳридаги ёғ заводида электрик бўлиб ишловчи С. Ҳ. ўз корхонасидан ем ўғирлаб чиқаётганда тутилди.

“Бухоротекс” ҳиссадорлик жамияти ҳудудидан бўз ўғирлаб чиқаётган С. Ж. эса шу ерда қоровул бўлиб ишларди. Шундайларга нисбатан айтилса керак-да “Ўзингдан чиққан балога

қайга борасан давога” деб.

Кўриқлаш бўлими ходимлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг миқёсли тадбирларда ҳам фаол иштирок этишапти. Бухоро шаҳри Ф. Ҳўжаев тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш хизмати ходими Б. Жумаев 10 февраль тунги соат 23.20 ларда телевизор кўтариб кетаётган кимсадан шубҳаланиб, уни тўхтатади. Тезкор-тергов ҳаракатлари ҳақиқатан ҳалиги кимса “Рассвет-307” телевизорини хонадонларнинг бирдан ўғирлаб кетаётганини кўрсатди.

“Тўсиқ” деб шартли номланган тадбир чоғида

Финляндия давлатида ишлаб чиқарилган бўёқлар ёрдамида ишлов берилди. Ушбу бўёқлар республикамизда махсус сертификатга эга бўлсада, уни бевосита жойида синаб кўрилди.

Маъмурий бино ва барча оғирхоналарга ёнгин ҳақида хабар берувчи автомат сигнализациялар ўрнатилди. Мавжуд сув таъминоти тизимларидаги айрим носозликлар жойида бартараф этилди. Ўтган давр мобайнида корхона бўйича ёнгин хавфининг олдини олиш учун 115 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Айни кунларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида яна қатор чора-тадбирлар кўриломоқда.

“Уйи тинчининг кўнгли тинч” деганларидек, ишлаб чиқаришда чинакам интизом бўлар экан, албатта, у ерда самара бўлади, ҳар хил кўнглисизликларга ўрин қолмайди.

С. ҚОСИМОВ.

эса Фиждудон пахта заводидан 930 кг чигит ўғирлаб кетаётган кишилар ушланди. Бунда милиция ходимлари А. Ҳамроев, У. Бозоров ва А. Шариповларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Милиция сержанти Б. Жумаев эса бировнинг чўнтагидан 9000 сўм пулини олиб кўяётган киссабурни ушлади.

Умуман, шу пайтгача ходимларимиз беш юзга яқин майда ташмачилик, кўплаб маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни аниқлашди. Айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Ў. ЖУМАЕВ, милиция катта лейтенанти.

ИИБ Матбуот маркази хабар қилади**САВДОЛАРИ КАСОДГА УЧРАДИ**

Ўқотар қуролларни ноқонуний равишда сақлаш ва сотиш жиноят эканлигини самарқандлик, Ш. Исмат ва Ш. Солилар яхши билишарди. Бироқ улар "ПМ" русумли тўппонча, унинг 6 дона ўқи ва овоз пасайтириш мосламасига харидор топиш учун бош қотиришарди. Шундай кунларнинг бирида Ш. Исмат Ш. Солига мижоз шаҳардаги ётоқхоналардан бирида кутиб турганлигини айтади. Хуллас, улар "товар"ни 400 АҚШ долларига баҳолаб, олди-берди қилаётган вақтларида милиция ходимлари савдога яқун ясади.

Шунингдек, Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида 1957 йилда туғилган Б. Жавлининг уйдан "АКМ" русумли автоматнинг ўқлари топилди.

**ЗЎРАВОНЛАРНИНГ
ТАНОБИ ТОРТИЛДИ**

Тошкент шаҳар Яккасарой туманида яшовчи М. Чернов туман ИИБга мурожаат этди. Фуқаро ўз аризасида 2 номаълум киши уни уриб, камзули, қўл соати ва мобиль телефонини тортиб олишганини маълум қилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида зўравонликни муқаддам ҳам шундай қилмиши учун қонун олдида жавоб берган келеслик 23 ёшли Ф. А. ва Чилонзор туманида яшовчи 21 ёшли А. З.лар содир этганликлари аниқланиб, ушландилар.

УЙМИ, Ё...?

Урганч туманида ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирда 1958 йилда туғилган М. Б. уйига 500 граммга яқин марихуана гиёҳвандлик моддасини усталик билан яшириб қўйганлиги ошкор бўлди.

Шунингдек, Жиззах вилоятининг Галлаорол туманида яшовчи 1960 йилда туғилган Ў. Н.нинг уйи текширилганда, 192,6 грамм марихуана топиб олинди.

НИЯТИ БУЗУҚ ЙЎЛОВЧИЛАР

Оқоричирчиқ туманида 4 нафар номаълум шахс хусусий фирмада ҳайдовчи бўлиб ишловчи Х. Раҳимбобовдан Тошкент туманига олиб бориб қўйишни сўрашди. Манзилга етиб келгач, ҳайдовчини пичоқ билан қўрқитиб, қўл-оёқларини боғлаб, автомашинани ҳайдаб кетишди. Тезкор тадбирлар натижасида ушбу жиноятни содир этган тўртовлон қўлга олинди.

СОХТА ДОЛЛАРЛИ**"БОЙВАЧЧАЛАР"**

Республикамиз ҳудудида хорижий валютанинг ноқонуний айланишига барҳам бериш, қалбаки банкнотларни аниқлаш, айбдор шахсларни амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортиш борасидаги қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда пойтахтимизнинг Чилонзор тумани ИИБ ходимлари навбатдаги тезкор тадбирни ўтказдилар. Мирзо Улуғбек номи истироҳат боғида М. Моҳира ва қозоғистонлик А. Гарси текширилганида уларнинг ёнидан 5 дона қалбаки 100 АҚШ доллари топиб олинди.

ЮЛГИЧ

Андижон вилоятининг Асака туманида яшовчи 1982 йилда туғилган М. Каримова "Биокиме" заводи олдида кетаётганда тўсатдан бир кимса келиб, унинг бўйнидан сариқ металлдан ясалган занжирини юлиб олиб кетди. Доду фарёд наф бермаслигини тушунган қиз бу ҳақда туман ИИБ ходимларини хабардор қилди. Юлғич 1982 йилда туғилган А. Улмас узоққа бормасданок милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

ГИЁҲФУРУШ УШЛАНДИ

Ургут тумани ҳудудида яшовчи аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш борасида ички ишлар ходимларига маҳалла посбонлари яқиндан ёрдам беришмоқда. "Илонли" қишлоғида фаолият кўрсатаётган кўмакчилар бунга мисол бўла олади. Улар ўзлари яшайдиган ҳудудларни, айниқса, тоғ бағридаги пана-пастқам, сўқмоқ йўллари ҳам яхши билишлари натижасида мамлакатимизга гаразли ният билан ноқонуний киришга уринаётган кимсаларнинг кирдикорларини фош этишаётир.

Хусусан, яқинда Тожикистон Республикаси Панжикент туманидан яширин йўллар орқали келаётган номаълум кимсани тўхтатишади. Ундан ҳужжатларини сўрашганда бирдан посбонларга ташланиб қолди. Аммо йигитлар чаққонлик билан ҳаракат қилиб, уни ушлаб олишди. Ёнида 3 килограмм гиёҳвандлик моддаси бор экан.

Маҳалла посбонлари туман ҳокимлиги томонидан моддий рағбатлантирилди.

Ш. АНВАРОВ,
милиция лейтенанти.

КИРА ҲАҚИГА... НАША

"Тисо" ҳайдовчиси бекатда машинага чиққан уч мижозни олиб, физиллаб жўнаб кетди. Дастлабки икки йўловчи "хўроз ўйини"га, кейинги биттаси эса машина бозорига кетаётган эди.

"Хўроз ўйини"га кетаётганлар манзилга етгач, машинани тўхтатдилар.

— Бизлар етиб келдик, — деди улардан бири ва шеригига, — Сен шофёр билан ҳисоблашавер, мен сенга "ҳалиги"дан берман, — деди.

Бу гапдан сўнг учинчи йўловчи ҳушёр тортиди:

— Хўроз ўйинигами акалар? — деб сўради.

— Ҳа, хоҳласангиз тушинг, жуда қизиқ бўла-

ди, — деди улардан бири.

— Яхши бўлди, дам олиб кетаман, — дея у ҳам машинадан тушди.

— Мана ол, ҳисоблик дўст айрилмас, — деди йигит кира ҳақини тўлаган шеригига ва бир кичик қоғозни узатди,

А. Қўзининг "хўроз ўйини"га келишдан мақсади, қоғозларга ўралган "оғу"ларни пуллаш эди. Аммо бу сафар иши

юришмади. Синалмаган одам олдида гуллаб қўйди. Машинадаги учинчи одам милиция ходими эканлигини ҳаёлига келтирмаганди у.

Унинг ёнидан 10 дона қоғозга ўралган марихуана чиқди. Марғилон шаҳар ИИБ ходимлари унинг уйдан жами 11 кг 244 грамм марихуана, 3,4 грамм гашиш топдилар. Маълум бўлишича, у ҳовлисида наша ўсимлигини экиб, парваришлаган ва "ҳосилини" сотаётган экан. Ёши элликлардан ошган бу инсон ўзининг онгли равишда қилган жинояти учун суд ҳукми билан қамоқ жазосига тортилди.

М. КИМСАНБОВЕВ.

Милиция сержанти Шухрат Алимов қарийб ўн йилдан бери йўлларда ҳаракат хавфсизлигини назорат қилади. Тошкент вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг "Кўкча" йўл-патруль масканидан ўтиб бораётган транспорт воситалари унинг нигоҳидан четда қолмайди.



Суратда: милиция сержанти Ш. Алимов ҳайдовчининг ҳужжатларини текшираётгани.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ олган сурат.

Эркин уч марта қамалиб чиқиб ҳам қуйилмади. Бир кун хуфтон пайти хотини Зулайхонинг ҳамёнини титкилаб қўлига илинган пулни олдию, яқинроқдаги дўконга югурди. У ердан бир шиша ароқ харид қилиб тўйгунча ичди. Сўнг оёғи олти бўлиб уйга қайтди. Кечаси уйқуси келмай ярим тунга қадар ҳовлида гингшиб юрди.

**ҲОВЛИДАГИ
ҚОТИЛ**

Миясида чарх ураётган шум ният унга тинчлик бермаётган эди. Эркин атрофга олазарак боқиб, бирон шубҳали нарса сезмагач, қўшнинг деворига тирмашди. Бир амаллаб девор тепасига чиқиб олгач, ҳовлида бўш юрган 2 бош қўй, эчки ва бузоқни кўриб кўзлари ўйнаб кетди. Чироқ нурида ҳовли хира ёришиб турарди. Эркин қўшнисининг Тошкентга ишлаш учун кетганини биларди. У девордан осилиб тушиб, қўй билан бузоқни етаклаб олди. Энди дарвозадан ҳайдаб чиқаётганда қутилмаганда уй ичидан кимдир отилиб чиқди. Хонадон эгаси Кўчқор Нодиров Тошкентга жўнаб кетишдан олдин уйига қай-

нота ва қайнонасини келтириб қўйган эди. Болта Жовлиев ҳовлидаги номаълум кимсани кўргач:

— Онаси чироқни ёқ, уйга ўғри тушибди, — деб бақирди.

Каловланган Эркин таққа тўхтаб, жойида михланиб қолди. Болта ака унинг олдида югуриб келиб чопонининг барида тутди.

— Сен текинтомоқни милицияга топшираман! — деди у жаҳл билан.

Милиция номини эшитган Эркин талвасага тушиб Болта Жовлиевга ёпишди. Икковлон олишиб кетишди. Шу топда уйдан югуриб чиққан Кимё Алимова эрини ҳимоя қилиш мақсадида қўни-қўшнилари ёрдам-

Ҳукм ўқилди

га чақира бошлади. Қўлга тушишидан қўрққан Эркин рақибини ерга ағдариб, чангадек бармоқлари билан томоғига ёпишди. Шўрлик Болта ака ўлим чангалидан қутулиш учун анча уринди, аммо кучи етмай жон таслим қилди.

— Эримни ўлдириб қўйдинг-ку, касофат! — деди югуриб келган Кимё опа ортига тисарилиб.

Бу пайтда қўни-қўшнилари шифохонага ва милицияга қўнғироқ қилишди. Аммо воқеа жойига келган шифокорлар жабрланувчига бирор ёрдам кўрсатишга ожиз эди.

— Ҳушёрлик ва аҳиллик бор жойда ҳуқуқбузарликларга чек қўйилди, — деди Қашқадарё вилоят жиноят ишлари бўйича судининг судьяси Ҳ. Бобоқулов. — Эркин Асадовнинг жиноят қўчасига киришига аввало оиладаги муҳит сабабчи, деб ҳисоблайман. Начора, қилмиш — қидирмиш, дейдилар. Уч марта қамалиб чиқса ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармаган бу фуқаро ўн саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳ. ҲАЙДАРОВ.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Урганч шаҳар ички ишлар бўлими томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрганлиги учун қидирилмоқда.




Мансурбек Бекбергано-вич ЯКУБОВ, 1977 йилда туғилган, Урганч шаҳар А. Ибрагимов кўчаси 9-уйда яшаган.




Хамдам Сабирзавиҷ СОДИКОВ, 1976 йилда туғилган, Урганч шаҳар Шодлик кўчаси 41-уйда яшаган.



Баҳодир Тўраевич ЖАБ-БАРОВ, 1974 йилда туғилган, Урганч шаҳар А. Ибрагимов кўчаси 83-уйда яшаган.



Рашид Ганжаевич БАЙ-МУРОТОВ, 1973 йилда туғилган, Урганч шаҳар Махтумқули кўчаси 312-уйда яшаган.



Санжар Султонмуродовиҷ АТАМУРОДОВ, 1982 йилда туғилган, Урганч шаҳар 6-кичик даха 11-уй 25-хонада яшаган.



Атабек Султонмуродовиҷ АТАМУРОДОВ, 1974 йилда туғилган, Урганч шаҳар 6-кичик даха, 11-уй 25-хонада яшаган.

Ушбу шахсларни кўрган ёки билганлар яқин ўртадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Терговчи О. Оллоёров бугун Асқар Юсуфбоевнинг "иши"ни тугатиб, судга юбориши керак. Лекин нимадандир кўнгли хижил, қотилликда йигитнинг айби йўқдай туюлаверади. Экспертлар, гувоҳлар эса далилларни аллақачон беришган. "Иш"ни яна чўзишга сабаб ҳам қолмади. Йигитнинг ўзи қотилликни бўйнига олаётган бўлса-да, нигоҳидан, гапларидан айбдор эканлигига ишониш қийин бўляпти. Ана шу хаёллар билан прокуратурага етиб келди. У

юзасидан Тозагулларнинг уйига киради. Уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланган қиз бир-икки ширин сўз ва ўткир нигоҳи билан йигитнинг юрагига чўғ ташлайди. Асқар ҳам Тозагулнинг акасини баҳона қилиб тез-тез келиб туради. Ўрталарида муҳаббат ришталари пайдо бўлиб, пинҳона учрашиб туришади.

Асқарнинг отаси қўшни қишлоқда фермерлик қилади. Иш қайнаган пайтларда ўғил албатта отасининг олдида бўлади. Улар билан ёнма-ён деҳқончилик қил-



БИР ЮРАКДА... ИККИ МУҲАББАТ



энди хонага кирган ҳам эдики телефон устма-уст жиринглаб, бир қиз сўраётганини айтиб қолишди. Таниш исм-шарифни эшитиб, хонага киргазиб юборишларини сўради.

— Келинг синглим, бирор нарса эсингизга тушдими? — сўради терговчи салом-алиқдан кейин.

— Асқар акамга қандай жазо берилади? — сўради у кўзлари жавдираб.

— Энди синглим, қотиллик учун ҳар ҳолда енгил жазо қўлланилмайди.

— Агар ҳеч қандай айблари бўлмаса-чи? — деди киприқлари намланиб.

— Унда жазога тортилмайди. Тушунмадим, нега бу гапларни айтаяпсиз? — қизиқсиниб сўради терговчи.

— Гулпарчани Асқар акам ўлдирмаган, — дея пиқиллаб йиғлаб юборди Тозагул.

Терговчи унинг сўзларидан дол қолиб, қизга тикилганча қолди.

... Асқар хушбичим, қувноқ, дилкаш йигит бўлиб вояга етди. Айниқса, армия хизматидан кейин қизлар орасида тез-тез тилга олиниб, пинҳона кузатишлар кўпайди. Йигит бунинг сезса-да, парво қилмас, гоҳ велосипедда, гоҳ машинада кўчаларни айланиб, қизлар юрагини ловулатарди. Бир куни иш

ган Сафарбой аканинг сулувгина қизи бўлиб, чиройда Асқардан қолишмасди. Гулпарча исмли бу қизни Асқарнинг отаси жуда ёқтирарди. Ҳатто Сафарбой акага қандай бўлайлик, деб оғиз солганди.

— Ошна, ёшларнинг ўзи ҳал қилсин, лекин мен қарши эмасман, жуда бир-бирига мос, — деди Сафарбой ака.

Бу гапни янгасидан эшитган Гулпарча шундоқ ҳам Асқарда кўнгли борлиги учунми, ҳар қалай муҳаббат оташида қолади. Ёз кунлари Асқарнинг отаси бетоб бўлиб, дала ишлари ўғлига қолади. Гулпарча энди тез-тез Асқарларнинг чайласига бориб турарди. Гоҳ овқат олиб борса, гоҳ идиш-товоқларни йиғиштириш баҳонасида йигитнинг олдида шошарди. Қиздаги бу муносабатлар боисини тушунган йигит ўткинчи ҳавасдир деб эътибор бермайди. Бироқ отасининг гапидан гаранг бўлиб қолади.

— Ўғлим, Сафарбой акангни қизига жуда ҳавасим келди, чаққон, хушмуомала. Биз қандай бўлишга келишиб қўйдик, рози бўлсанг кузга бориб тўйни бошлаймиз.

— Ҳозирча уйланиш ниятим йўқ, ўқишга кирмоқчиман, — деди Асқар қимтиниб.

— Келин қўлингдан ушлаб қоладими, ўқийверасан, — деди ойиси.

— Ўзимни яхши кўрган қизим бор, ўшанга уйланаман, — деди бошини куйи солиб Асқар.

Эр-хотин бир-бирига қараб жим қолишди. Кейин отаси:

— Майли ўғлим, ўзинг биласан, — деди.

Элнинг оғзига элак тутиб бўладими. Қишлоқда Асқар Тозагулга кўнгли қўйиб Гулпарчага уйланаётганмиш деган гап тарқалди. Миш-миш, гийбат авж олмасин деб, Асқарнинг онаси Тозагулнинг уйига бориб оқ ўраб келди. Гап-сўз авжи бир оз пайсиди-ю, бироқ қўшни қишлоқда "аза" бошланди.

Асқар далага борганди Гулпарчанинг янгаси келиб, йигитни танг аҳволга қўйиб кетди. Нима эмиш, Гулпарча унинг То-

загулга унаштирилганини эшитиб, йиғлайвериб, касал бўлиб қолганмиш. Янгасига дилини ёрибди. Асқарни жуда яхши кўрар экан, қиз бечора адо бўлибди.

Йигит икки ўт орасида қолганди. Негадир хаёлидан Гулпарчанинг нигоҳи кетмасди. Ўзини чалғитиш учун ишга берилар, бир-икки эгатни чопиб, яна хаёлга чўмарди.

У уч кун даладан келмади, Тозагулга ваъда қилган учрашувга ҳам бормади. Улфатларидан бири келиб, хабар олди.

— Қийин савдога қолдинг дўстим, иккови ҳам ёмон қизлар эмас, икковига ҳам уйланавер, — деди жиддий оҳангда.

— Нега устимдан куласан? — деди норози оҳангда Асқар.

— Бошқа иложинг йўқ.

— Улар барибир кўнмайди.

— Икковини чақириб, орани очди қилиб ол, қутулсан.

Абдухоликнинг бу маслаҳати Асқарга маъқул тушди.

Тозагул билан Гулпарча узоқ қариндош бўлиб, бир-бирини яхши танишарди, бироқ бир йигитга тушган ишқ, муҳаббат уларни ёвлаштириб қўйганди. Асқар икки қизни Чирчиқ дарёси бўйига машинасида олиб борди. Нима учун йигит уларни бу ерга олиб келганини аниқ билишмаса-да, бирор қарорга келиш кераклигини англаб етишганди. Иккови йигит олдида ўзларини ҳар қанча сипо тутишмасин, отарга ўқи йўқлиги билиниб турарди.

Асқар дастурхон ёзди. Ўртага ул-бул нарсаларни қўйиб, қизларни чалғитишга уринарди. Орадаги совуққина ҳолатдан қутулиш учун муддаога ўтди, мушкул аҳволда қолганини тушунтирди. Қизларнинг иккови ҳам суқсурдай йигитдан ажраб қолишни истамасди.

— Майли Асқар ака, келишиб олармиз, — деди Гулпарча кулиб. Унинг табассум билан Асқарга нигоҳ ташлаганини кўрган Тозагул ёниб кетди.

— Балки, икковимизам тегиб олармиз, — деди қаҳ-қаҳ уриб, янада очилиб Гулпарча.

Воқеий ҳикоя

Асқар машинаси томон кетди, капотини очиб нимасинидир титкилай бошлади.

Тозагулнинг хаёлида қандай қилиб бўлмасин Гулпарчадан қутулиш фикри кетмасди. Қиз ундан чиройли, сочлари узун, кийган кийимлари ўзига жуда ярашиб тушган.

Асқар капотни ёпиб қизлар томонга қаради. Улар кўринмасди. У ёқ, бу ёққа аланглади, қаттиқ инграган овоздан чўчиб дарё томонга чопди. Сув бўйида қўлида катта тош билан Тозагул инграб тўлғонаётган Гулпарчага тикилиб, даҳшатдан қалтираб турарди. Асқар Гулпарчанинг бошини кўтариб юзини силади. Қиз кўзини очиб гапиришга уринди, лекин мажולי келмай кўзини юмди.


— Нима қилиб қўйдингиз? — дея ўкириб йиғлаб юборди Ас-

ҚИДИРИЛМОҚДА

Урганч шаҳар ички ишлар бўлими томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрганлиги учун кидирилмоқда.



Жалолиддин Бахтиёрович МАДРАХИМОВ, 1974 йилда туғилган, Урганч шаҳар П.Маҳмуд кўчаси 40-уй, 55-хонадонда яшаган.



Дониёр Атабоевич КАРИМОВ, 1982 йилда туғилган, Урганч шаҳар Феруз кўчаси 19-уйда яшаган.



Исломбек Имомуддинович ИМОМОВ, 1979 йилда туғилган, Урганч шаҳар Мир кўчаси 2"г"-уй, 6-хонадонда яшаган.



Илҳон Раҳимович ХОЖАЕВ, 1971 йилда туғилган, Урганч шаҳар А. Ибрагимов кўчаси 27-уйда яшаган.



Мўминжон Гуломбоевич САПАЕВ, 1982 йилда туғилган, Урганч шаҳар А. Ибрагимов кўчаси 11-уйда яшаган.

Ушбу шахсларни кўрган ёки билганлар яқин ўртадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

С. ШАМСИДИНОВ.

ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР БАҲСИ


Хоразм вилояти "Олимпия" ҳамда "Динамо" ФСЖ вилоят бўлими ўйингоҳларида республика ИИБ ёнги хавфсизлиги ходимлари ўртасида ёнги ўчириш амалий спорти бўйича мамлакат чемпионати ўтказилди.

Мусобақани вилоят кутлади. Ўзбекистон Республикаси ИИБ бошлиғи, милиция публикиси ИИБ ёнги полковниги Б. Сидиқов кириш сўзи билан очиб, қатнашчиларни қизғин

мат подполковниги А. Исломов ва бошқалар сўзга чиқиб, беллашув иштирокчиларига омад тиладилар.

Баҳслар 100 метр масофага тўсиқли йўлакчалардан ўтиш билан бошланди. Дастлабки турда чаққонликда Қашқадарё вилояти ИИБ ёнги хавфсизлиги бўлими ходими Учқун Бобомуродовга тенг келадигани топилмади. Тошкент шаҳри вакили Денис Гу иккинчи, Тошкент вилояти жамоаси аъзоси Владимир Кимлар учинчи ўринни эгаллашди. Ёнги ўчириш эстафетасида эса Тошкент вилояти ўт ўчирувчиларининг қўли баланд келди.

Ишғол қилиш нарвони ёрдамида ўқув минорасининг 4-қаватига кўтарилиш, сурилма нарвонда миноранинг 3-қаватига



чиқиш баҳсларида Тошкент шаҳар ҳамда Андижон вилояти жамоалари ғолиб чиқди.

Хал қилувчи жанговар ёйилиш мусобақасида барча жамоалар фаолликни янада оширишди. Бу гал омад Фарғона вилояти ИИБ ёнги хавфсизлиги бўлими жамоасига кулиб боқди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳар жамоаси биринчи, Тошкент вилояти жамоаси иккинчи, республика ИИБ ёнги хавфсизлиги олий техни-

ка мактаби жамоаси эса учинчи ўринларни эгаллашди.

Ғолиблар республика ИИБ ёнги хавфсизлиги Бош бошқармаси ҳамда Хоразм вилояти ИИБнинг Фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Х. ЖАББОРОВ.

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

Ж. ҚОЗОҚ
олган суратлар.



Когон шаҳридаги "Динамо" ўйингоҳида Хотира ва Қадрлаш кунига атаб Бухоро вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида футбол турнири бўлиб ўтди.

КУБОК ЭГАСИНИ ТОПДИ

Ғолиблик учун вилоят прокуратураси ҳамда ички ишлар бошқармаси вакиллари куч синашишди. Ниҳоятда кескин тортишувлар остида ўтган бу учрашувда прокуратура ходимлари 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Учинчи ўрин вилоят солиқ бошқармаси ўйинчиларига насиб этди.

Юқори ўринларни эгаллаган жамоаларга Фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар берилди. Кубок эса турнир ғолиби — вилоят прокуратураси вакилларига топширилди.

О. РОПИЕВ,
милиция катта лейтенанти.

"Тоза ҳаво" тадбири

НАВБАТ — ИККИНЧИ БОСҚИЧГА

Шу йилнинг 10 апрелидан 10 майга қадар республикада "Тоза ҳаво" тадбирининг биринчи босқичи ўтказилди.

Атроф-муҳитни транспорт воситаларидан чиқадиган заҳарли газ ва тунунлар билан булғашнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган тадбирда Тошкент вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари фаол иштирок этдилар. Биринчи галда вилоятнинг серкатнов йўлларида экологик постларнинг мунтазам ишлаши таъминланди.

Тадбир давомида 50 мингдан ортиқ транспорт воситалари назоратдан ўтказилди. 18 мингдан ортиқ экологик ҳолати носоз транспорт воситалари аниқланиб, уларга техник хизмат кўрсатилди. Носоз транспорт воситаларини бошқарган ҳайдовчилар ва экологик ҳолати талабга жавоб бермайдиган машиналарни хизматга чиқарган автокорхона раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

А. ИЛЁБОВЕВ,
милиция старшиниси.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ахборот маркази жамоаси Ахборот марказининг катта муҳандиси, милиция майори М. А. Йўлдошевга онаси
Ойдин Йўлдошеванинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилоят ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва мураббийлар кенгаши ички ишлар идораларининг фахрийси, истеъфодаги милиция майори Шодикул Нуриддиновга волидаи муҳтарамаси
Кубаро ая ЖАЛИЛОВАНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдирадилар.

Самарқанд вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Йўл-патруль хизмати катта ноэри, милиция лейтенанти З. Ботировга отаси
Нурулло БОТИРОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ОЛТИАРИҚДА ХОТИРА ТУРНИРИ

Марҳум милиция майори Муқаддас Абдулҳаев оқибатли дўст, бағри кенг инсон, ажойиб ташкилотчи, тажрибали ходим эди. Нафақат олтиариқликлар, балки уни билган бошқа одамлар ҳам Муқаддас аканинг яхши хислатларини юракдан чиқариб гапирдилар.

У 1969 йилдан 1992 йилгача Олтиариқ тумани ички ишлар бўлимида участка инспектори, кат-

ташқил миллий кураш бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди.

Олтиариқ тумани Марказий ўйингоҳида юзлаб томошабинлар гувоҳлигида ўтказилган мусобақаларда 17 та жамоа иштирок этди. 150 нафар полвон ўз тоифаларида гиламга чиқдилар.



Беллашувларни республика тоифасидаги ҳакамлар — Р. Узоқов, И. Узоқов, Т. Жўраев ҳамда А. Мусиновлар баҳолаб бордилар.

Қизиқарли ва кескин курашлар остида ўтган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида Олтиариқ тумани ички ишлар бўлими жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Қува ҳамда Бағдод тумани ички ишлар бўлимлари жамоалари 2- ва 3-ўринлар эгалари бўлишди.

Ғолиблар республика ИИБ ёнги хавфсизлиги Бош бошқармаси ҳамда Хоразм вилояти ИИБнинг Фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Б. ОМОНЗОДА,
милиция капитани.

Суратларда: хотира турниридан лавҳалар.

Ғ. МУҲАММАДҚОДИРИЙ
олган суратлар.



ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir v.b.
Aleksandr
VORGUDYAYEV

Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.
Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib
B. AZIMOV

Navbatchi:
Sh. XUDOYBERDIYEVA
Musahhihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA

Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinbosari 139-75-69.
Mas'ul kotib 139-73-88.
muhbirlar
bo'limi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37,
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob
raqamlarimiz
O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki
Toshkent viloyati
Bosh boshqarmasi.
hisob raqami:
21596000500447980001,
MFO 00025.

ABN AMRO Bank MB
O'zbekiston A.J.
2021000300447980002
MFO 00831,
i/r 5033853
INN 200637499

• Ko'chirib bosishda
«Postda» dan ekanligini
ko'rsatish shart
• Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
• Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasida 00007 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma Г — 446.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish
vaqti — 19.00.
Bosishga
topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — 180

Umumiy tiraji 44.518 nusxa.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.
1, 2, 3, 4, 5, 6.